Эпидемиологик текширувлар натижасига кўра витамин Днинг дефицити ва етишмовчилиги, қуёш инсоляцияси етарлича бўлган Бразилияда ҳам аниқланган. Бразилияда 10 ёшгача бўлган 14% болаларда ва 24% ўсмирларда витамин Д дефицити 20 нг/млдан кам даражада эканлиги аниқланган [11]. Бирлашган Араб Амирликларида витамин Д статусини баҳолаш болаларда 4та ёш гуруҳлар орасида баҳоланди. 183 та текширилган болалар-

дан витамин Д дефицитининг учраш тезлиги 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларда 2-7 ёшгача бўлган болалардан кўп эканлигини аниқланган. Шундай қилиб, пубертат ёшидаги болаларда витамин Д дефицити ривожланиш хавфи юқори. Бу эса, ушбу гуруҳ болаларнинг витамин Дга бўлган эҳтиёжи кўпинча эътиборга олинмаслиги билан янада кучайишига олиб келади [19]. Витамин Д секостероид молекулалар гуруҳига мансуб. Витамин Днинг энг кўп ўрганилган шакли – витамин D2 (эргокальциферол), овқат маҳсулотлари орқали организмга тушади, ва витамин D3 (холекальциферол). Холекальциферол терида, 7-дегидрохолестеролдан куёш нурларининг В-спектрининг ультрабинафша нурлар таъсири остида ҳосил бўлади. Витамин Д ёғ тўқимасида тўпланади ва витамин Д боғловчи оксил билан бирга циркуляцияга тушади [12]. Кўплаб ички органларда витамин Дни сезувчи рецепторлар мавжуд. Юрак қон томир тизимида улар томирлар силлиқ мушакларида, эндотелийда ва кардиомиоцитларда аниқланади. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, *in vitro* витамин Днинг актив шакли кардиомиоцитлар ва томирлар силлиқ мушаклари хужайраларига, пролиферацияга таъсир қилади, ренин-ангиотензин тизимини пасайтиради, томирлар силлиқ мушаклари хужайраларига кальцийни сўрилишида аҳамиятга эга, лимфоцитлардан цитокинлар ажралишини ингибирлайди ва липидлар метаболизми ва яллиғланиш жараёнига таъсир қилади [16].

БЖССТ маълумотларига кўра 1 млрддан кўп одамлар витамин Д дефицитидан азият чекади. 25(ОН)D3нинг зардобдаги миқдори (витамин Днинг асосий циркуляциядаги шакли) теридаги синтез ва овқат маҳсулотлари орқали организмда ҳосил бўлиши даражасини кўрсатади [12].

Организмда витамин Д етишмовчилигининг ривожланиши хавфини аниқловчи факторларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Яшаш жойи географияси;

- Йил мавсуми;
- Тери пигментацияси интенсивлиги;
- Онанинг витамин Д билан таъминланиши;
- Витамин Д билан бойитилган овқат маҳсулотларидан фойдаланиш;
- Нутритив статус;
- Йўлдош касалликларнинг борлиги;
- Витамин Д рецепторларини кодловчи генлар полиморфизми;

Болалар ва ўсмирларда витамин Д дефицити сабаблари қуйидагилар:

1) Витамин Д истеъмолининг ёки синтезининг камайиши:

- Витамин Д дефицити статусидаги онадан туғилганлар;

- Узоқ муддат фақат кўкрак сути билан боқилганда;

- Терининг тўқ рангда бўлиши;
- Куёш инсоляциясининг камайиши, ёпиқ кийим, куёшдан химояловчи суртмалардан кўп фойдаланиш, сурункали касалликлар;

- таркибида витамин Д кам сақловчи озик овқатлар истеъмоли қилиш;

2) Ичаклар функциясининг бузилиши ва сўрилишининг бузилиши:

- Целиакия, овқат аллергияси, экссудатив энтеропатия;

- Ошқозон ости безининг экзокрин етишмовчилиги (масалан, муковисцидоз, Швахман-Даймонд синдроми);

- Билиар обструкция;

3) 25-(ОН)-D ёки 1.25(ОН)₂D синтезининг камайиши ёки юқори деградация:

- Жигар ва буйрақларнинг сурункали касалликлари;

- Витамин Д метаболизмини тезлаштирувчи дори препаратлари (рифампицин, изониазид ва талвасага қарши препаратлар).

Витамин Д дефицити ва семизлик орасида патогенетик боғлиқлик бир неча механизмлар билан асосланган. Биринчидан семизликда витамин Д, ёгда эрувчи витамин сифатида, кўп миқдорда ёғ тўқимада тарқалади, бу эса витамин миқдорининг қонда камайишига олиб келади. Иккинчидан, семизликда витамин Днинг терида ҳосил бўлиши камайди, чунки семиз одамлар кўпроқ ёпиқ кийимда юришади ва куёшда камроқ юришади. 8-13 ёшли 149та болалар текширилганда шу маълум бўлдики, 25-(ОН)-D миқдорининг камайиши триглицеридлар миқдорининг ошишига мос келади (коэффициент корреляцияси $r = -0.86$, $p = 0,01$), натижа, ёш, жинс, ТМИ ва жисмоний активлиги ўзгартирилганда ҳам статистик ишончлилиги ўзгармади [18]. Семизликда витамин Д дефицитига олиб келувчи механизмларни аниқлаш мақсадида Worthman J. ва ҳам муаллифлар D₂, D₃ ва 25-(ОН)-Dни плазмадаги концентрациясини, семиз ва тана массаси нормадаги одамларда ультрабинафша нурлар таъсиридан эргокальциферолни перорал қабул қилгандан кейин, ўрганишди [21]. Текширувда 19 та соғлом (ТМИ \leq 25) ва 19 та семиз (ТМИ $>$ 30) одамлар иштирок этишди. Барча иштирокчилар европеоид ва териси II ва III тип. Нормада витамин Д нинг энг юқори миқдори қон зардобда ультрабинафшанурлари таъсиридан 24 соатдан кейин кузатилади, шунинг учун синама учун қон нурлашидан бир соат олдин ёки бир сутка кейин олинган. Бу давр ичида витамин Д концентрациясининг ўзгариши терида витаминнинг синтези ва унинг теридан қонга транспортини характерлайди. Витамин Днинг базал концентрацияси се-

мизликда ҳам ва назорат гуруҳида ҳам сезиларли ўзгармади. Аммо семизликда витамин D концентрацияси ультрабинафша нурланишдан сўнг назорат гуруҳига нисбаттан пастлиги аниқланди ($6,7 \pm 1,4$ нг/мл vs $15,3 \pm 2,1$ нг/мл, $p=0,0029$). Семизликда тана юзаси майдони кўп бўлишига қарамадан, УБ нурланишдан сўнг витамин D концентрациясининг ошиши, семиз бўлмаган одамлардан 57% паст. Гипотезани тасдиқловчи 25-(ОН)-Dнинг зардобдаги концентрациясининг пасайиши, семизликда кўп миқдорда ёғ тўқимасида қайта тақсимланишини Agunab S. ва ҳаммуаллифлари билан биргаликда ўтказилган ишлар натижаси ҳисобланади [2]. Бу ишда соғлом аёллардаги 25-(ОН)-D нинг миқдори ва ёғ тўқимасининг масса улиши ва ўзаро боғлиқлиги ўрганилган. Текширувлар натижасида ТМИ 17 дан 30 гача бўлган 410 та аёлларда 25-(ОН)-D ва ёғ тўқимасининг тескари корреляция орқали боғланганлиги аниқланган. Кенг қамровли текширишлар натижасида шуни аниқландики, ТМИ ошиши билан 25-(ОН)-D миқдорининг пасайиши, HbA_{1c} миқдорининг ошиши кузатилади. 25-(ОН)-D миқдорининг 75 нмоль/л дан пасайиши семизлиги бор одамларнинг 80%ида ва семизлиги йўқ одамларда фақатгина 68%ни ташкил қилади ($p<0,0001$). Эрта аниқланган 2 тип қандли диабет, $HbA_{1c}>7\%$ миқдорда аниқланган беморларда қон зардобида 25-(ОН)-D миқдори, углевод алмашинуви бузилмаган одамларга нисбатан пасайган ($36,9$ нмоль/л vs 52 , нмоль/л).

Шундай қилиб, ТМИ ва бел айланаси кўрсаткичлари ўзгариши билан ташхисланган семизлик даражаси, витамин D етишмовчилиги билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Морбид семизлиги бор одамлар семизлиги йўқ одамларга нисбаттан кўп овқат истеъмол қилсаларда, уларда бир қатор нутриентлар етишмовчилиги аниқланган. Рандомизирланган плацебо-бошқариладиган текширишлар метанализи натижалари шуни исботладики, суяк тўқимаси зичлиги пасайишини ва жароҳат оқибатида синишларни олдини олиш учун витамин D нинг кунлик миқдори 700–800 ХБ дан кам бўлмаслиги керак. Кальцийнинг етарлича сўрилиши учун витамин D зарур, шунинг учун унинг эффективлиги кальций билан биргаликда қабул қилинганда ошади (суткалик 1000 мгдан кам бўлмаган дозада) [8].

Ҳозирги даврга келиб витамин D нинг кунлик миқдорини ошириш кераклиги ҳақида муҳокама олиб борилмоқда. Витамин D коррекцияси тўғрисидаги тавсиялар исботланиш даражаси, афсуски унчалик юқори эмас. Тасдиқланган витамин D дефицитида эргокальциферолни ҳафтасида 50 000 ХБдан 8 ҳафта давомида бериш тавсия қилинади. 25(ОН)D миқдори нормаллашгандан сўнг холекальциферолни суткасига 800 дан 1000 Тб гача дозада доимий равишда қабул

қилиш тасия қилинади [4]. Cannell J. фикрига кўра витамин D дефицити аниқланган одамларда юқори доза талаб қилинади: суткасига 2000–7000 ТБ, шундай дозада қабул қилинган тақдирда 25(ОН)D миқдорини 40–70 нг/мл (100–175 нмоль/л) атрофида сақлаш мумкин [6, 7].

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, семизликдан азият чекувчи одамларда витамин D га эҳтиёжлари юқори бўлади, бу эса бундай одамларда витамин D дефицитини даволаш ва профилактикасини ўтказишда эътиборга олинishi зарур. Витамин 25(ОН)Dнинг мақсадга мувофиқ миқдори 30 нг/мл дан кам бўлмаслиги керак. 75 нмоль/л витамин D ни қонда шундай миқдорда ушлаб туриш учун семизлиги бор одамлар, витаминни суткасига 800–1000 ТБ дан кам бўлмаган миқдорда қабул қилишлари керак [5]. Баъзи бир клиник текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, семизлик ва қандли диабет терапияси эффективлиги учун витаминнинг 2000..4000 ТБ/сут.да дозадан кам бўлмаган миқдорда қабул қилиш керак бўлади. Семизлиги бор ўсмирлар гуруҳида витамин D ни (2000 ТБ/сут, 12 ҳафта) қабул қилиш қон зардобида 25(ОН)D миқдорининг +6 нг/мл ($p<0,001$) гача ошишига олиб келади [15]. Семиз ва витамин D дефицити (<15 нг/мл) бор болалар бир курс витамин (3000 ТБ/сут, 12 ой.) қабул қилганларидан сўнг, адипонекти миқдорининг ошиши кузатилди [20]. 8-18 ёшдаги семиз ($n=109$) ва витамин D дефицити (<50 нмоль/л) бор болалар гуруҳига кўшимча витамин D (25000 ТБ/ҳаф, 9 ҳафта ~4000 ТБ/сут) берилганда, 9 ҳафтадан кейин витамин дефицити фақат 25% болаларда аниқланган, терапия натижасида ҳеч қандай ноҳўя таъсирлар кузатилмаган [15].

91 нафар ҳомиладор аёллар уч гуруҳга бўлинган ва бутун ҳомиладорлик даврида 1 гуруҳга 600 ТБ/сут га, 2 гуруҳга 1200 ТБ/сут га ва 3 гуруҳга 2000 ТБ/сут га витамин D берилган. Натижалар таққосланганда суткасига 2000 ТБ да витамин берилган ҳомиладор аёллар гуруҳида натижа ижобий, яъни витамин D дефицити (<20 нг/мл) ҳолати учраш частотаси 3 гуруҳ аёлларда 20%, 1 гуруҳда 58% ва 2 гуруҳда 61%ни ташкил қилган ($p = 0,03$). 3 гуруҳ ҳомиладор аёллардан туғилган чақалоқларда 3% дефицит, 1 гуруҳда 74% ва 2 гуруҳда 48%ни ташкил қилади ($p=0,006$). Шундай қилиб, ҳомиладорлик ва эрта болалик даврида витамин D статусини нормада сақлаш учун 2000 ТБ/сут га витамин D қабул қилиш керак [20]. Рандомизирланган текшириш учун диабет хавфи юқори бўлган (гликирланган гемоглобин 5.8%-6.9%) ва витамин D етишмовчилиги (25-ОНD < 30 нг/мл) бор беморларни, 12 ой давомида, кунлик витамин D қабул қилиш учун (88865 ТБ/ҳаф., $n=56$) ва плацебо ($n = 53$) танлаб олинган. Витамин D қабул қилгандан 3 ойдан сўнг 25-ОНD миқдори 22 дан 70 нг/млгача ошган.

12 ойдан кейин, витамин Д қабул қилган гуруҳда гликирланган гемоглобин миқдори пасайган (-0.2%) [8]. Шуни таъкидлаш лозимки бир марталик мегадозаларда витамин Д қабул қилиш амалиётда хавфли ҳисобланади ва ҳар доим ҳам эффект бермайди. Рандомизирланган текширишда 2 тип қандли диабет билан 61 та иштирокчи қатнашган ва улар бир марталик 100000 ёки 200000 ТБ да витамин Д қабул қилган [10]. Узоқ вақт давомида витамин Д ни оптимал физиологик дозада қабул қилиш энг маъқул физиологик стратегия ҳисобланади. Бутун дунё бўйлаб семизликнинг тарқалиши ва ривожланиши кун сайин ортиб бормоқда ва айниқса ёшлар орасида кенг тарқалиб бормоқда. Болалар ва ўсмирларда семизлик ривожланиши патогенезида асосий омил бўлиб, модификацияланадиган хавф омиллар (углеводлар ва тўйинган ёғлар истеъмолнинг ошиши, микронутриентлар дефицити, гиподинамия, спиртли ичимликлар ичиш, чекиш ва бқ.) ҳисобланади. Микронутриент омиллар орасидан, қандли диабет ривожланишига сезиларли таъсир килувчи хавф омилларидан бири, бу витамин Д дефицити ҳисобланади.

Ҳақиқатдан, витамин Д тўқима ва хужайраларнинг молекуляр физиологиясига кенг спектрда ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, семизлик профилактикаси ва давоси, унга боғлиқ асоратларда витамин Д ни ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Болалар ва ўсмирлар орасида витамин Д етишмовчилигини эрта аниқлаш ва унинг коррекциясини ўз вақтида ўтказиш, айниқса хавф гуруҳида, кўплаб сурункали касалликларни ривожланиш хавфини минималлаштиради. Натижада сурункали касалликлар учун сарфланадиган сарф харажатлар миқдорининг камайишига олиб келади. Витамин Д истеъмолни такомиллаштиришда соғлиқни сақлаш тизимини ўрнини янада ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Annweiler C, Schott AM. Dietary intake of vitamin D and cognition in older women: A large population-based study. *Neurology*. 2015; 75 (20): 1810–1816.
2. Arunabh S., Pollak S., Yeh J. et al. Body fat content and 25-hydroxyvitamin D levels in healthy women // *J Clin Endocrinol Metab*. – 2016. – № 88. – P. 157–161.
3. Bordelon P., Ghetu M., Langan R. Recognition and management of vitamin D deficiency // *Am Fam Physician*. – 2016. – № 80 (8). – P. 841–846.
4. Bischoff-Ferrari H. Vitamin D: what is an adequate vitamin D level and how much supplementation is necessary? // *Best Pract Res Clin Rheumatol*. – 2015. – № 23(6). – P. 789–795.

5. Cannell J., Hollis B., Zasloff M. et al. Diagnosis and treatment of vitamin D deficiency // *Expert Opin Pharmacother* 2018. – № 9. – P. 107–118.
6. Cannell J., Hollis B. Use of vitamin D in clinical practice // *Alternative Medicine Review*. – 2018. – № 13. – P. 6–20.
7. Davidson MB1, Duran P, Lee ML, Friedman TC. High-dose vitamin D supplementation in people with prediabetes and hypovitaminosis D. *Diabetes Care*. 2017 Feb;36(2):260-6.
8. Kulie T., Groff A., Redmer J. et al. Vitamin D: an evidence-based review // *JABFM*. – 2019. – № 22(6). – P. 698–706.
9. Kumar J, Muntner P, Kaskel FJ, Hailpern SM. Prevalence and associations of 25-hydroxyvitamin D deficiency in US children: NHANES 2001–2004. *Pediatrics*. 2019; 124: 362–370.
10. Motiwalaa S.R., Wang T.J. Vitamin D and cardiovascular risk. *Current Hypertens Rep* 2018; 14(3): 209–218. DOI: 10.1007/s11906-012-0262-y
11. Maxwell CS, Wood RJ. Update on vitamin D and type 2 diabetes. *Nutr Rev*. 2017;69(5):291.
12. Mikirova NA, Belcaro G, Jackson JA, Riordan NH. Vitamin D concentrations, endothelial progenitor cells, and cardiovascular risk factors. *Panminerva Med*. 2015; 52 (2) (Suppl. 1): 81–87.
13. Rodriguez-Rodriguez E, Ortega RM, Gonzalez-Rodriguez LG, Lopez-Sobaler AM; UCM Research Group VALORNUT (920030). Vitamin D deficiency is an independent predictor of elevated triglycerides in Spanish school children. *Eur. J. Nutr*. 2017; 50 (5): 373–378.
14. Walker JP, Hiramoto JS. Vitamin D deficiency is associated with mortality and adverse vascular access outcomes in patients with end-stage renal disease. *J. Vasc. Surg*. 2016 Jul;60(1):176-83.
15. Worthman J., Matsuoka L., Chen T. et al. Decreased bioavailability of vitamin D in obesity // *Am J Clin Nutr*. – 2016, 72. – P. 690–693.

ОЖИРЕНИЕ И ДЕФИЦИТ ВИТАМИНА Д У ДЕТЕЙ И ПОДРОСТКОВ, СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ

Ашурова М.Ж., Гарифулина Л.М.

Аннотация. Данный обзор литературы, посвящён актуальности проблемы дефицита витамина Д у детей, его роли в развитии ожирения и другой соматической патологии. Приведены сведения о распространённости дефицита витамина Д, у детей и подростков, факторы риска и патогенез развития дефицита витамина Д при ожирении у детей. Также обсуждаются методы коррекции дефицита витамина Д как при ожирении, так и других нарушений обмена веществ.

Ключевые слова: ожирение у детей, витамин Д, коррекция дефицита витамина Д.

УДК: 618.11.008-618.17-009/172

ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ҲАЙЗ ЦИКЛИНИНГ БАРҚАРОРЛАШУВИ МУАММОЛАРИ

Ашурова Нигора Гафуровна

Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

ПРОБЛЕМЫ СТАНОВЛЕНИЯ МЕНСТРУАЛЬНОГО ЦИКЛА У ДЕВОЧЕК-ПОДРОСТКОВ

Ашурова Нигора Гафуровна

Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

THE PROBLEM OF THE FORMATION OF THE MENSTRUAL CYCLE IN TEENAGE GIRLS

Ashurova Nigora Gafurovna

Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: ashurovanigora.1972@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада сўнги йилларда маҳаллий ва хорижий олимларнинг болалар гинекологияси муаммосига, хусусан, ўспирин давридаги ҳайз-тухумдон циклининг турли хил бузилишлари муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари натижаларининг шарҳи келтирилган. Муаллифлар ушбу муаммоларни этиопатогенези ва даволашга оид кўплаб ҳал қилинмаган саволлар мавжудлигини таъкидлайдилар.

Калим сўзлар: ҳайз-тухумдон цикли, дисменорея, қизлар, гиперменорея, олигоменорея, гормонал бузилишлар.

Abstract. This article presents data on the study of the results of scientific research of domestic and foreign scientists in recent years, devoted to the problem of pediatric gynecology, in particular to the problems and various disorders of the menstrual ovarian cycle in teenagers. The authors argue that there are many unresolved issues regarding etiopathogenesis and treatment of these problems.

Key words: menstrual ovarian cycle, dysmenorrhea, girls, oligomenorrhea, hypermenorrhea, hormonal abnormality.

Ҳайз цикли бузилишининг турли кўринишлари ёш ўсмир қизлар орасида жуда кўплаб учрайди. Афсуски, бу борада статистиканинг шаффоф бўлишига тўсқинлик қиладиган бир қанча омиллар ҳали ҳамон йўқ эмас. Булар аввало ўзбек халқимизнинг менталитетидаги қарашлар, азалдан шакланган урф-одатлар, ушбу муаммони талқин қилишга бўлган муносабатлар, қолаверса аҳолининг тиббий маданияти ва бошқаларга бориб тақалади.

Пубертат даврда ҳайз цикли бузилишининг (ҲЦБ) фақатгина яққол ифодаланган клиник кўринишлардагина ташхисланиши, унинг диагностикасини кечиктиради. Бу эса профилактика ва эрта даволаш чора тадбирларини йўққа

чиқаради. ҲЦБ нинг бузилишларида перинатал ва постнатал хавф омилларининг роли борлигини ўрганишга бағишланган санокли текширишлар мавжуд [5, 8, 20].

Маълумки, аёл кишининг репродуктив тизими унинг болалик ва жинсий этилиш даврида ушбу тизим звеноларининг 18 ёшгача қай тариха мукамал ривожланишига бевосита боғлиқ [1,

19]. Шундан келиб чиқиб, қиз бола репродуктив тизими барқарорлашувининг барча босқичлари кўп жиҳатдан нафақат бўлажак оналикка тайёргарликни, балки қолдириладиган наслнинг соғлигини ҳам белгилайди. Эътиборга молик ушбу масала, яъни, қизалоқ ва ўсмир қизларнинг соғлигини сақлаш давлатимиз миллий сиёсатининг бирламчи вазифаларидан бири этиб белгиланган [2, 22].

Бутун дунёда ўсмир қизлар ҳаёт сифатини ёмонлаштирадиган омиллардан бири- физиологик ҳайз жараёнида оғриқ синдромининг бўлишидир. Жаҳон Соғликни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра (2013й), ўсмир қизлар гинекологик касалликлари орасида оғриқли ҳайз кўрсаткичи жуда юкори (13-47%) бўлиб, улар ичида деярли 15% қизлар оғриқ характерини чидаб бўлмас даражада, деб баҳолашган. Ювенил дисменорея- бу оғриқли ҳайз кўриш бўлиб, чанок аъзолари патологияси бўлмаган 18 ёшгача қизларда ёши ва миллатидан катъий назар умумий ва кўпинча ҳолдан тойдирадиган изтиробдир. Кенг тарқалганлигига қарамасдан, қизларда бирламчи дисменорея етарлича

ташхисланмайди, ҳатто баъзан тиббиёт ходимлари ёки қизлар ҳамда уларнинг оналари томонидан бу оғриқларни ҳайзнинг меъёрий қисмига йўйиб, инкор этилади [3,24,25]. Кўплаб илмий тадқиқот маълумотларига кўра, замонавий ўсмир-қизларнинг репродуктив потенциали умумий касалланиш кўрсаткичларининг ортганлиги ҳисобига паст, деб баҳоланмоқда. Ўсмир қизларда соматик касалликларнинг учраш фоизи ўсмир йигитларга қараганда 10-15% га кўп. Соматик касалликларнинг кўпайиши замирида гинекологик касалликларнинг ҳам ошиш тенденцияси кузатилмоқда [4,5]. ХЦБ ни охириги йилларда болалар ва ўсмирлар гинекологияси амалиётида энг кўп тарқалган патологиялардан бири деб ҳисобланади, статистика бўйича деярли 3тадан 1 та қизда учрайди. Одатда 2 та катта гуруҳ бузилишлари тафовут этилади: гипо- ва гиперменструал синдромлар кўринишлари [6].

Ўсмир – қизлар ҳайз цикли бузилиши структурасида бирламчи дисменорея 78,3% ни; иккиламчи дисменорея - 6,6%ни; олигоменорея - 8,5%ни ташкил этди. Меноррагиялар 4,4% ҳолларда, бирламчи ва иккиламчи аменореялар эса мувофиқ равишда 1% ва 1,6% ҳолларда кузатилди. Дисменореянинг учраш фоизи ўсмир-қизлар орасида 43 дан 90%гачани ташкил этади [7, 28].

Муаммонинг долзарблиги шундаки, бир томондан, охириги йилларда ўсмирлар орасида гинекологик патологияларнинг ортиб бораётганлиги бўлса, бошқа томондан, ушбу категориядаги қизларда оилада ва мактабда ўқиш жараёнида ижтимоий дезадаптацияга сабаб бўладиган қийинчиликларнинг кўпайиши, хавотирли ва депрессив бузилишлар ҳамда пировард натижада ёшларда репродуктив функциянинг пасайиши билан намоён бўлиши оғир ижтимоий-демографик оқибатларни келтириб чиқармоқда [8].

Ҳайз циклининг турли бузилишлари билан бўлган қизларда темир танқислик ҳолатлари, онасида анамнезда турли даражадаги камқонлик, кечки токсикозларнинг бўлганлиги, муддатдан олдин туғилганлик ҳолатлари сабаб омили сифатида кўплаб учрайди. Ҳомиладорлик вақтида темир танқислиги бор оналарнинг қизлари текширилганда темир танқислик камқонлиги кўпчиликти ташкил этганлиги эътиборга молик. Худди шу гуруҳ аёлларининг 23% анамнезида чақалоқлик даврида сунъий овқатланиш билан озикланган. Ўз таъсирини ўтказадиган кўшимча омиллардан мувозанатлашмаган ва номунтазам овқатланиш, оч қолиш кўзда тутилган редуцирланган диета, гўшт маҳсулотларини кам истеъмол қилиш кабиларни санаш мумкин [9, 26, 27].

Авитаминозлар, гормонал ўзгаришлар, рухий травмалар, юқумли касалликлар, гинекологик аралашувлар, жигар касалликлари, семизлик ҳам ушбу патологиянинг сабабчилари бўлиши мумкин. Ҳайз цикли бузилишининг келиб чиқишида генетик мойиллик ҳам муҳим роль ўйнайди [10].

Пубертат ёшдаги арман-қизларида эндокрин бузилишлари структурасида асосий ўринни гиперандроген ҳолатлар эгаллади. Бу эса ушбу этник гуруҳда бу патологиянинг аутентиклигини ҳамда арман популяциясида эндокрин бузилишларнинг ибтидоси пубертат даврга бориб тақалишини кўрсатди. Адабиётларнинг маълумотлари ва шахсий тажрибаларига асосланиб, муаллифлар эндокрин бузилишларни пубертат даврида даволаш келажакда туғиш давридаги муаммолар билан тўқнаш келишининг олдини олади, деб ҳисоблашади [9, 11].

О.В. Булганина, Е.Е. Григорьева (2014) ларнинг фикрларига кўра, ўсмирлик даврида ХЦБ га сабаб бўлувчи асосий хавф омилларини ўрганиш натижалари ҳайз циклига ҳар бир хавф омилнинг алоҳида ва биргаликдаги таъсирини аниқлашга имкон берди. Энг аҳамиятлилари ҳомиладорлик ва туғруқнинг асоратли кечиши, 1 ёшгача бўлган даврда ўтказилган ўткир респиратор касаллик, болалар инфекцияси, тез-тез кузатиладиган шамоллашлар, сурункали соматик касалликлар, рухий ва жисмоний зўриқишлар бўлиб чиқди (интеграциялашган кўрсаткич = 1,6-2,3) [6]. Шунингдек, вақтидан илгари туғилган ҳамда онасининг анамнезида гормонал бепуштлиқ аниқланган қизларда ҳам балоғатга етиш даврида ҳайз циклининг бузилишлари кўпроқ учрайди [13,15].

Дисменорея ривожланишининг араҳидон кислотаси ва унинг метаболизми маҳсулотлари (простагландинлар, лейкотриенлар, тромбоксанлар ва б.к.) нинг алмашинуви ва синтезининг бузилишига асосланган назариясидан келиб чиқиб, кўпчилик тадқиқотчилар антиоксидантларга ностероид яллиғланишга қарши препаратларни даво комплексига қўшиш етарли, деб ҳисоблашади [7, 9, 14, 16, 24].

Дисменорея ривожланишининг қатор патогенетик механизмлари асосида ҳайз циклининг лютеин фазасида прогестерон миқдорининг камайиши ҳақидаги гипотеза ётади. Айнан шунга таяниб, дисменореяни даволашда прогестаген ва комбинирлашган орал контрацептивларни қўллашдаги юқори самарадорлик исботланган.

Ҳайз олди даврида жинсий стероидлар (эстрадиол ва прогестерон) нисбатининг ўзгариши эркин ёғ кислотаси оксидланиши

тезлигининг ўзгариши билан; миоетрийда окситоцин, вазопрессин, брадикинин, релаксин ва биоген аминларнинг кўплаб ажралиши билан; циклооксигеназа ва простагландинсинтетазалар синтезининг фаоллашуви билан кечади. Бу жараёнлар простагландинлар ҳосил бўлиши ва ажралишини тезлаштиради. Гиперпростагландинемия гипоксияга ва миоетрий ишемиясига олиб келади, бу эса ўз навбатида бачадоннинг спастик қисқаришларига ҳамда оғрик синдромининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Уварова Е.В., Гайнова И.Г. (2012) ларнинг таъкидлашларича, дисменореянинг келиб чиқишида прогестерон секрециясининг камайиши фониди ПГ Е₂ концентрациясининг ошиши асосий аҳамиятга эга. Оғрик ҳиссининг пайдо бўлиши учун нерв охирлари нормада хужайра ичида жойлашган кининлар, простагландинлар, шунингдек, Са ва К ионлари гуруҳига кирувчи биологик актив моддалар билан кўзгатилиши керак. Ҳайз даврида эндометрий хужайра мембранаси бутунлиги бузилади ва биологик актив моддалар хужайрааро бўшлиққа чиқиб, нерв охирларини кўзгатади [14, 15, 16, 23].

Номунтазам ҳайз циклига эга бўлган қизларнинг 16,9% да гормонал ўзгаришлар қалқонсимон без функциясининг пасайиши кўринишида бўлган. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилигида (63,6%) тиреоид етишмовчиликнинг бевосита сабаби бўлмиш антителоташувчилик аниқланди. Қалқонсимон безга антителоташувчиликнинг кенг тарқалганлиги (31,3%) тиреотроп гормони нормада бўлган қизларда ҳам аниқланди. Бу эса гипотиреозни эрта аниқлаш учун ушбу категория беморларда динамик кузатув олиб боришни тақозо этади [2, 8, 10, 12].

Е.А. Галущенко, Е.А. Лобановларнинг олиб борган тадқиқотлари асосида пролактин дисрегуляциясининг барча вариантларида мультифокал тухумдонлар, ҳайз циклининг турли кўринишдаги бузилишлари, жинсий етилишдаги нуқсонларнинг характерли эканлиги аниқланди. Проллактин дисрегуляцияси билан бўлган беморлар хавф гуруҳига киради ва 18 ёшгача ювенил гинеколог, кейинчалик аёллар маслаҳатхонаси назоратида бўлишлари зарур [7, 17].

Ўсмирлик давридаги гипоталамик асосида гипоталамуснинг қайтар функционал бузилишлари ётади. Маълумки унинг марказий структураси гомеостазнинг барча звеноларини бошқаради, нейровегетатив ва психоэмоционал ўзгаришлар, эндокрин безлар функциясининг издан чиқиши каби кўплаб клиник кўринишдаги полиморфизм синдроми билан характерланадиган метаболик бузилишлар билан намоён бўлади [18, 30].

Соматик соғлом қизларда гинекологик ўзгаришлар экстрагенитал касалликка эга бўлган қизларга нисбатан 1,5 барабар кам учрайди. Бириктирувчи тўқима дисплазияси тизимли касалликлар жумласига кириб, у болалар ва ўсмирлар соғломлигининг интеграл кўрсаткичидан бири, деб қаралади. Репродуктив тизим барқарорлашуви билан бириктирувчи тўқима дисплазияси, ҳомиладорлик ҳамда болалик пайтларидаги овқатланиш режимида кузатилган трофологик етишмовчиликлар орасида узвий боғлиқлик кузатилади [20, 21].

Ҳайз цикли бузилиши ва вегетатив регуляциянинг издан чиқиши билан бўлган қизларда артериал қон босими суткалик мониторингини ўтказиш шуни кўрсатдики, касалликнинг илк даврлариданок, яъни гормонал ва биохимик статус норма чегарасидан оғишмай туриб, нерв системаси симпатик бўлимининг зўриқиши кузатилади. Бу ўзгаришлар ушбу когортага кирувчи беморларнинг артериал гипертензия ва репродуктив бузилишлари юқори хавфли гуруҳига кириши учун мезон бўлиб хизмат қилади [22].

В.Ф. Коколина (2010) нинг фикрича, эндокрин бузилишларни эрта коррекциялашнинг муҳим жиҳати, бу-ота-оналар билан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдир. Уларга қиз болани менархедан 1 йил ўтиб ҳам ҳайз цикли барқарорлашмаса, ённки билвосита белгилар пайдо бўлганда (тана массасининг ортиши, ортиқча тукланиш) тиббиёт муассасига олиб келиш мақсадга мувофиқ эканлигини англатишдир [10]. Гиперандрогения билан кечувчи кўпчилик эндокринопатияларнинг ирсий характерга эга эканлигини эътиборга олиб, онасининг анамнезида эндокрин бепуштлик бўлган қизларни текширувдан ўтказиш ҳам долзарбдир [29].

Е.А. Степанова, С.И. Колесников (2012) ларнинг илмий текширувлари онада ҳомиладорлик ва туғруқнинг асоратли кечиши бириктирувчи тўқима дисплазияси бор қизларда репродуктив система патологиясининг ривожланишига олиб келишини кўрсатди. Муаллифларнинг фикрича энг аҳамиятли хавф гуруҳи омиллари қаторига: ҳомила тушиш хавфи, муддатдан илгари туғруқлар, преэклампсия ва чақалоқ асфиксияси киради. Болалик ва ўсмирлик ёшидаги дисплазия кўпинча ҳайз циклининг бузилиши, жумладан гипоменструал синдром билан бирга кечади. Муаллифларнинг таъкидлашича, ўсмирлардаги метаболик ва гормонал ўзгаришлар ҳайз цикли бузилишига ҳамда бириктирувчи тўқима дисплазияси кечилишининг оғирлашувига сабаб бўлади [21, 23, 28].

Ш.М. Садуакасова, Г.Ж. Жатканбаева ва б.к. (2014) ларнинг илмий тадқиқот натижалари нимесулид препаратини дисменореяни даволашда самарадорлигини кўрсатди. Ўзининг оғриқ колдирувчи, яллиғлашишга қарши таъсирлари ҳисобига препарат ушбу гуруҳдаги кизларнинг барчасида оғриқ синдромини йўқотди. Бунда ноўя таъсирлар минимал (3,3%) кўрсаткичга эга бўлди. Текширилувчи гуруҳларда дидрогестерон препаратини қўллаш ҳам турғун терапевтик эффектни намоён қилди. Даволанишнинг 6-ойига келиб, 93,3% кизларда оғриқ синдромининг батамом йўқолишига ва 87,0% кизларда овулятор ҳайз циклининг тикланишига эришилди [25].

Хулоса: Шундай қилиб, охириги йилларнинг маълумотларига асосланиб, ўсмир ёшдаги кизларда ҳайз цикли бузилишларига олиб келувчи энг муҳим ижтимоий-тиббий омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар орасида антенатал ва жинсий етилиш давригача онасида ҳомиладорлик ва туғруқнинг асоратли кечганлиги, чала туғилганлик, болалик давридаги инфекциялар, сурункали соматик патологияларнинг борлиги, жисмоний ва/ёки руҳий зўриқишлар каби зарарли омилларнинг алоҳида ва биргаликдаги таъсири алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳайз цикли бузилишлари патогенезини талқин қилиш, эрта ташхислаш, самарали даволаш, айниқса ўсмир кизларда унинг ўзига хос кечиш хусусиятларини ўрганиш борасида ҳали ўрганилмаган қирралар жуда кўп.

Адабиётлар:

1. Аюпова Ф.М., Шокирова С.М., Ибрагимова С.Р., Юлдашев Р.Н. Оценка тяжести внутриутробного инфицирования плода у беременных // Журнал теоретической и клинической медицины. – Ташкент, 2013. – №4. – С. 53–55.
2. Ахмедов Ф.К. Особенности состояния изучаемых параметров органного и маточно-плацентарного кровотока у женщин присоединившейся преэклампсией. Проблемы биологии и медицины. 2019. – С. 104-107.
3. Ашурова Н.Г. The effect of the thyroid gland on the function of reproductive system of women. Тиббиётда янги кун 1 (29) 2020. – С. 155-157.
4. Бобокулова С.Б., Хотамова М.Т. Initial manifestations constant septic diseases. Тиббиётда янги кун 1 (29) 2020. – С. 180-182.
5. Богатова И.К., Фомина М.М. Особенности менструальной функции девочек-подростков, рожденных недоношенными. Сборник II Научно-практической конференции с международным участием «Национальный и международный опыт охраны репродуктивного здоровья детей и подростков» 2018 год. – С. 34-37.

6. Булганина О.В. Оптимизация лечения нарушений менструальной функции центрального генеза у девочек пубертатного возраста. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата медицинских наук. Новосибирск-2013. 19 стр.
7. Галущенко Е.А., Лобанов Е.А., Петров Ю.А., Чеботарева Ю.Ю. Влияние гипер- и гипопролактинемии на формирование нарушений менструального цикла в периоде полового созревания. Сборник тезисов II научно-практической конференции с международным участием «Национальный и международный опыт охраны репродуктивного здоровья детей и подростков. 26-29 апреля 2016 г., Москва, - С. 34-36.
8. Джураева Д.Л. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата медицинских наук по теме «Репродуктивные нарушения в современной популяции девочек-подростков» 2010г. Ташкент. 23 стр.
9. Киракосян К.Э. Структура эндокринных нарушений, сопровождающихся расстройствами менструального цикла и/или признаками гиперандрогении у девочек-армянок пубертатного возраста/ Кубанский научно медицинский вестник № 4, 2012г. – С. 166-170.
10. Коколина В.Ф. Состояние менструальной функции девочек-подростков при патологии щитовидной железы /В.Ф. Коколина, О.В. Антюхова // Российский вестник акушера-гинеколога. -2010. -№3 - С. 25-29.
11. Шодиев Б.В., Расуль-Заде Ю.Г., Раджабова Д.Б. Низкий резерв яичников у женщин с бесплодием, как неотложное показание к лечению и подготовке к ВРТ. Доктор ахборотномаси №1-2020. – С. 143-149.
12. Константинова О.Д., Коц Я.И., Шукшина Л.М., Вагапова Л.Ш. Оценка тиреоидного статуса у девушек с нарушением менструального цикла, проживающих в йоддефицитном регионе. Вестник Оренбургской государственной медицинской академии № 3, 2017 г. - С. 56-57.
13. Кузьменко Е. Т., Лабыгина А. В. Результаты применения не-инвазивных методов диагностики трубного фактора бесплодия // Бюл. ВСНЦ СО РАМН. - 2005. - № 5. - С. 53-55.
14. Кулаков В. И., Корнеева И. Е. Диагностика и лечение женского бесплодия // Монография, 2011 г, Москва, 127 стр.
15. Куликов А.М., Кротин П.Н. Здоровье девушек: соматические и репродуктивные аспекты. Клиническая медицина № 3, 2018. – С. 88-91.
16. Кучукова М.Ю. Роль эйкозаноидов в патогенезе и лечении дисменореи: Автореф. дис. канд. мед.наук. - М., 2002. - 21 с.
17. Негматуллаева М.Н., Зарипова Д.Я., Ашурова Н.Г. Влияние магний дефицитного состояния и

- дисбаланс стероидных гормонов жизнедеятельности организма женщин. Тиббиётда янги кун 2019. – С. 14-17.
- 18.Рахматуллаева М.М. Предпосылки развития бактериального вагиноза у женщин, применявших комбинированные оральные контрацептивы // Врач-аспирант. – 2010. – №2(39). – С.72-76.
- 19.Семенова Л.Г., Манчук В.Т. К вопросу о нарушениях менструального цикла у девочек-подростков: частота встречаемости, структура, особенности течения. Сибирский медицинский журнал № 42008 выпуск 1.2014. – С. 67-69.
- 20.Солиева Н.К. Особенности течения беременности, родов и перинатальных исходов у девочек-подростков. Сборник материалов Республиканской научно-практической конференции. Бухара-2018. – С. 114-115.
- 21.Степанова Е.А., Колесников С.И.. Нарушения менструального цикла у девочек-подростков с дисплазией соединительной ткани. БЮЛЛЕТЕНЬ ВСНЦ СО РАМН, 2012, № 2 (84), Часть 2. – С. 55-57.
- 22.Тошева И.И., Ашурова Н.Г., Ихтиярова Г.А. Разрыв плодных оболочек в недоношенном сроке, как фактор развития акушерских осложнений. Доктор ахборотномаси. №1-2020. - С. 76-79.
- 23.Уварова Е.В., Гайнова И.Г. Дисменорея: современный взгляд на этиологию, патогенез и обоснование лечебного воздействия // Гинекология. - 2004. - №3. - С. 45 - 58
- 24.Хамдамова М. Т. Особенности предменструального синдрома у подростков. Проблемы биологии и медицины 2019. – С. 130-133.
- 25.Садуакасова Ш.М., Жатканбаева Г.Ж., Несипбаева Г.М. Эффективность лечения дисменореи у девочек-подростков. Вестник КазНМУ, №4-2014. – С. 67-69.
- 26.Якубова О. А. Автореферат докторской диссертации (DSc) по теме «Совершенствование диагностики и дифференцированные подходы к лечению ювенильной дисменореи» 2019 г, 24 стр.
- 27.Рысмухамбетова К.А. Состояние системы органов кровообращения у девушек-подростков с нарушением менструальной функции. Научный центр проблем здоровья семьи и репродукции человека СО РАМН, Иркутск Bulletin of Medical Internet Conferences (ISSN 2224-6150) 2018. Volume 8. Issue 8. - P. 71-73.
- 28.Khamidova N.R., Negmatullayeva M.N., Tuksanova D.I., Akhmedov F. K.. The role of hemostatic system indicators in predicting obstetric bleeding. Доктор ахборотномаси №1-2020. – С. 86-88.
- 29.Nakatsuka M. Puberty-delaying hormonotherapy in adolescents with genderidentity disorder //SeishinS hinkeigaku Zasshi. - 2013. - Vol. 115, N3. - P. 316-322.
- 30.Khamdamova M.T. Echographic features of the rang of variability in the size of the uterus and ovaries in women of menopausal age using oral and injectable forms of contraception. American Journal of Medicine and Medical Sciences 2020, 10(8): 580-583. DOI 10.5923/j.ajmms.20201008.09

ПРОБЛЕМЫ СТАНОВЛЕНИЯ МЕНСТРУАЛЬНОГО ЦИКЛА У ДЕВОЧЕК- ПОДРОСТОК

Ашурова Н.Г.

Аннотация. В этой статье приведены данные изучения результатов научных исследований отечественных и зарубежных учёных за последних лет, посвященные проблеме детской гинекологии, в частности проблемам различных нарушений менструально-овариального цикла в подростковом периоде. Авторы утверждают, что имеются много нерешённых вопросов в отношении этиопатогенеза и лечения данных проблем.

Ключевые слова: менструально-овариальный цикл, дисменорея, девочки, гиперменорея, олигоменорея, гормональные нарушения.

УДК: 6 16.36-002.2-02-07-085

ГЕПАТИТ В ВА С ВИРУСЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР

Бакиева Шохиста Рустамовна, Садирова Шахло Собировна, Бригида Крестина Степановна
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий текшириш институти,
Тошкент ш.

СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ВИРУСЫ ГЕПАТИТА В И С

Бакиева Шохиста Рустамовна, Садирова Шахло Собировна, Бригида Крестина Степановна
Научно-исследовательский институт вирусологии Министерство Здравоохранения Республики
Узбекистан, г. Ташкент

MODERN VIEWS OF HEPATITIS B AND C VIRUSES

Bakieva Shokhista Rustamovna, Sadirova Shakhlo Sobirovna, Brigida Krestina Stepanovna
Research Institute of Virology of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: ashurovanigora.1972@gmail.com

Аннотация. Дунёда гепатит В ва С вируслари этиологияли сурункали гепатитлар, жигар циррозининг эрта ташиқсоти, индивидуал ва босқичли даволаш усулларини яратиши йўналишида бир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бу борада гепатит В ва С вируси этиологияли сурункали жигар касалликларининг тарқалганлик даражаси, уларнинг асоратлари ҳамда салбий оқибатларидан бири бўлган жигар циррозига ривожланишидаги роли каби қарашларнинг ечимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сурункали вирусли гепатитларни эрта аниқлаш, уларни самарали даволаш, жигарнинг сурункали касаллигидаги жигар фибрози ривожланиши жараёнлари ва асоратларининг профилактикаси каби ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммолар сақланиб турибди. Сурункали жигар касалликлари билан оғриган беморларни даволаш жараёни катта моддий харажатларни талаб этади. Бу нафақат даволаш учун сарфланадиган харажатлар, балки беморларни вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиши билан боғлиқ билвосита харажатлардир. Шунинг учун сурункали жигар касалликларини замонавий ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш амалий тиббиётнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Калим сўзлар. Вирусли гепатит В, вирусли гепатит С, тезкор тестлар, тўғридан-тўғри таъсир қилувчи вирусга қарши дорилар.

Abstract. A number of scientific studies are being conducted in the world in the field of early diagnosis of liver cirrhosis, and the development of individual and step-by-step methods of treatment chronic hepatitis B and C. In this regard, special attention is paid to solving such issues as the prevalence of chronic liver disease, the etiology of hepatitis B and C, their complications and their role in the transition to liver cirrhosis, which is one of the worse consequences. The early detection of chronic viral hepatitis, their effective treatment, the development of liver fibrosis in chronic liver diseases and the prevention of complications have become one of the key problems that need to be addressed. The process of treating patients with chronic liver disease is expensive. This is not only the cost of treatment, but also the indirect costs associated with temporary disability. Therefore, the development of modern and effective methods of treating chronic liver diseases remains one of the priorities of applied medicine.

Keywords. Viral hepatitis B, viral hepatitis C, rapid tests, direct-acting antiviral medicines.

Ўзбекистонда амалиётдаги миллий эмлаш календарига киритилган гепатит В вирусига қарши эмлаш 1998 йилдан бошлаб янги туғилган чақалоқларга туғилиши билан қўлланилаётган бўлишига қарамасдан, бу вакцина сурункали вирусли гепатит В билан касалланишлардан тўлақонли ҳимоя қилолмаслиги кўринди ва шу сабабли мамлакатимизда гепатит В вирусининг учраши сезиларди даражада аниқланмоқда [13]. Гепатит С вирусига қарши вакцина мавжуд эмаслиги эса ҳозирча бу касалликдан ҳимояланиш имкони йўқлигидан дарак беради. Бу эса ўз навбатида бу касалликларнинг аҳоли ўртасида яширин

ҳолатда кечиб тарқалишига сабаб бўлади. Аҳолининг маълум гуруҳи ичида ўтказилган қатор муаллифларнинг скрининг тадқиқотларидан шу маълум бўлдики, Ўзбекистон ҳудудида текширувдан ўтказилган соғлом аҳолининг 5,6 фоизда анти-НСV ва 8,3 фоизда HBsAg инфекциялари мавжуддир [11].

Этиологияси ва эпидемиологияси. Вирусли гепатитлар парентерал юкувчи антропоноз инфекция ҳисобланиб, касалликнинг асосий манбаи вирус ташувчи инсонлардир. Вирусли гепатитларнинг ҳозирги кунда бир нечта турлари аниқланган. Булар А, В, С, D, E ва янги аниқлан-

ганларидан F, G, TTV турларидан иборат бўлиб, охириги 3та тури охиригача ўрганилмаган. Шулардан В ва С турлари ер юзид асосий учрайдиган турлари ҳисобланади [8]. Гепатит С вирусининг эса ўз навбатида бир нечта турлари, яъни генотиплари мавжуд бўлиб, булар 1, 2, 3, 4, 5, 6 чи генотиплардир, улар ҳам a, b, c, k ва бошқа штаммларга эга [23]. Бу касалликларнинг юқиш йўллари билиш аҳолини алоҳида гуруҳлари орасида кенг тарқалишини олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлиб, аҳоли орасида тарқалишида гиёҳванд моддалар қабул қилувчилар, гомосексуаллар, тартибсиз жинсий алоқа қилувчиларнинг ўз ўрни бор. Гемофилияга чалинган беморлар, ҳамширалар, трансфузиологлар, жарроҳлар, акушер-гинекологлар, стоматологлар, лаборантлар, гиёҳвандлар, татуировка чиздирувчилар, гемодиализ муолажаси олувчилар, косметология хизматидан фойдаланувчилар (маникюр, педикюр, пирсинг) вирусли гепатитларни юқтириш хавфи эҳтимоли юқори бўлган гуруҳига кирувчилардир [8, 14]. Гепатит В вируси диаметри 40-48 нм бўлган, сферик шаклга эга гепадновируслар оиласига мансуб ДНК сақловчи вирус бўлиб, қобиғи фосфолипидлардан, ички қисми нуклеокапсид (ядро)дан иборат. HBV вирусининг 4 та антигени бор - HBsAg, HBcAg, HBeAg ва HBxAg (1-расм):

HBsAg – яъни, 22 нм диаметри Австралия антигени вирусининг ташқи липопротеид қобиғида (суперкапсидида) жойлашган бўлиб, у қонда, склерада, гепатоцитларда, кинда, орқа мия суюқлигида, она сутиди, сўлак, пешобда учрайди;

HBcAg – гепатит В вируси ядроси антигенидир;

HBeAg – вирусининг Е антигени касалликнинг кўзгалиш даврида аниқланиб, у вирусининг қонда репликация жараёни фаоллигини билдиради. Бу эса инфекциянинг юқумлилик кўрсаткичи юқори даражадалигини кўрсатади. Бу маркер ҳомиладорлик вақтида инфекция онадан болага ўтиш хавфи борлигини билдиради;

HBxAg – бу вирусли транскрипцияни фаоллаштирувчи кичик тартибга солувчи оқсил бўлиб, унинг вазифаси тўлиқ ўрганилмаган. Ҳозирда сурункали ВГВ инфекциясида гепатоцеллюляр карциноманинг ривожланишида ушбу антигеннинг роли инкор этилмайди;


anti-HBe – вирусининг Е антигенига қарши ишлаб чиқарилган антитаначалар бўлиб, вирусининг организмдан чиқарилаётганлигини билдирса ҳам, лекин жараён тўлиқ тўхтамаганлигини кўрсатади;

anti-HBs – бу HBsAg га қарши ишлаб чиқарилган антитанача бўлиб, у касалликнинг ўткир даври охирида ёки 3-6 ой ўтгандан сўнг ишлаб чиқарилади. Бу кўрсаткич яна вирусли гепатит В га қарши эмланганларнинг қонида ҳам аниқланади;

anti-HBscore IgG – бу вирусининг ядро антигенига қарши ишлаб чиқарилган антитанача бўлиб, бу энг биринчи пайдо бўладиган антитанача ҳисобланади. Бу белги яна организмда фаол жараён йўқ вақтида аниқланса, бемор аввал ўткир вирусли гепатит В билан оғриганлигини билдиради;

anti-HBscore IgM – бу вирусининг иммуноглобулин-М ядроси антигенига қарши антитанача бўлиб, кўрсаткич вирусли гепатит В нинг ўткир даври ва сурункали вирусли гепатит В нинг кўзиш даврига хос. Бу белги вирус кўпаяётганлигини билдиради;

ДНК HBV – қонда вирус ДНКсининг аниқланиши вирусининг жадал равишда кўпаяётганлигини ва касалликнинг юқумлилик даражаси юқорилигини кўрсатиб, вирусга қарши даволаш процессини бошлашга тўғридан тўғри кўрсатма бўлади.



1-расм. Гепатит В вирусининг тузилиши [20].

Гепатит С вируси флавиивируслар (Flaviviridae) туркумидаги Нерасивирус авлодига мансуб, диаметри 30-38 нм бўлган РНК сақловчи вирус бўлиб, юқиш йўли асосан парентерал (жинсий алоқа, туғруқ жараёнида онадан болага, тиббиёт ходимларига ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганда биологик суюқликлар орқали) ва тиббий-маиший йўл ҳисобланади. Вирусининг геноми юқори даражада ўзгарувчан бўлиб, унинг бу хусусияти вирусга қарши вакцина ишлаб чиқаришдаги асосий муаммо бўлиб ҳисобланмоқда. Гепатит С вирусини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар аҳамиятли (2-расм):


НСcoreAg – бу вирусининг ядро антигени бўлиб, қонда аниқланиши вирусга қарши терапия бошлаш учун кўрсатма бўлади;

anti-HCV – вирусга қарши ишлаб чиқарилган антитаначалар бўлиб, у бемор қонида ўткир вирусли инфекциянинг бошланғич даврида, баъзан эса 2-4 ой ўтгач пайдо бўлади. Бу кўрсаткичнинг сурункали гепатитларнинг қисий ташхисотида аҳамияти катта;

anti-HCV IgM – бу антитанача вирусининг IgMга қарши ишлаб чиқарилиб, у вирусининг кўпаяётганлигини билдиради;

РНК HCV – вируснинг РНК си ҳисобланиб, вируснинг репликацияси жараёнидан дарак беради ва у вирусга қарши даво ўтказиш учун асосий кўрсатма бўлади.

Гепатит С
вируси



2-расм. Гепатит С вируси тузилишининг схемаси [15]: 1. РНК, 2. Нуклеокапсид (ўзак қобиғи, С-оксил = С-core), 3. Оксиллар, 4. Липид қобиғи, 5. Ферментлар (қобиқ оксиллари: E₁, E₂).

Патогенези. Сўнгги йилларда олиб берилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, гепатит В ва С вируслари нафақат жигарни зарарлайди, балки организмнинг бошқа аъзоларига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади ва касалликнинг янада зўрайишига замин яратади. Жумладан, гепатит С вирусининг 3-генотиби бошқа турларига қараганда беморда семизлик, инсулинга толерантлик, қандли диабетнинг инсулинга боғлиқ бўлмаган турини кўпроқ чақириши бир неча илмий изланишлар орқали исботланган [16, 17, 19]. Бунда асосий механизм сифатида вируснинг core-protein, яъни ўзак-оксили триглицеридларни ташувчи микросомал фермент фаоллигини ингибирлаш орқали ҳужайра ичида триглицеридлар тўпланишини юзага келтирувчи омил бўлиб хизмат қилади [16].

Сезиларли даражадаги генетик ўзгарувчанлиги гепатит С вирусининг ўзига ҳос хусусияти бўлиб ҳисобланади. Унинг бу хусусияти вирусга патологик жараён ривожланганда бир вақтнинг ўзида шаклланивчи ва мавжуд бўлган иммунологик бир биридан фарқланувчи, мослашиш хусусиятга эга бир қанча антиген турларини пайдо қилиш, оқибатда эса беморнинг иммун тизимининг таъсиридан «қочиш» имконини беради [1].

Клиникаси. Вирусли гепатит В ва С касалликлари учун парентерал (тўлиқ стерилланмаган тиббиёт асбоб-ускуналари, айрим косметологик жиҳозлар, инъекцион наркотиклар ва бошқалар) юқиш йўли ҳос. Жинсий йўл билан ва онадан болага вертикал ҳолда юқиш эса кўпроқ гепатит В вирусига кузатилади, бу йўллар орқали юқиш гепатит С вирусига 2-6% ҳолатларда учрайди [9].

Гепатит В ва С вируслари касалликнинг ўткир ҳамда сурункали кўринишларини чақириб, бунда бемор жигарининг ўчоқли ва диффуз яллиғланиши кузатилади. Лекин гепатит В ва/ёки

С вируслари билан зарарланган беморларда касаллик асосан бир неча йилларгача ўзини намоён қилмаслиги ва яширин ҳолда кечиши каби хусусияти вазиятни янада мураккаблаштиради [4]. Ўз вақтида аниқланмаган касаллик эса 10-30 йилдан сўнг сурункали ҳолатдан жигар циррози, жигар саратони ривожланиши каби асоратларга айланиши адабиётларда келтирилган [4, 7]. Вирусли гепатит В касаллигида касалликнинг юқишидан бошлаб, унинг сурункали ҳолатига ўтиши беморнинг ёшига боғлиқ бўлиб, катталарда бу 5-10% ҳолатда кузатилса, касалланган оналардан туғилган болаларда бу кўрсаткич 90% ни ташкил этади [3]. Вирусли гепатит С да эса касаллик асосан 80-85% ҳолатда сурункали жараёнга ўтади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вирусли гепатитлар билан касалланган репродуктив ёшдаги аёлларда нейроэндокрин тизими бошқарувининг барча асосий бўлинмаларида бузилиш юзага келади [10, 12]. Бу ўз навбатида репродуктив тизим бошқарувига салбий таъсир этиб, аёлларда ҳайз циклининг бузилишига, пролактин фаоллигининг ва 17-ОН-прогестероннинг пасайишига, организмнинг эстроген билан тўйиниши ошишига олиб келади.

Бундан ташқари яна кўплаб жигардан ташқари шикастланишлар сабабли юзага келувчи патологик жараёнлар организмнинг иммун тизимини янада сусайишига олиб келади. Вирус натижасида юзага келган метаболик бузилишлар оқибатида эса дислипидемия, семизлик, юрак-қон томир касалликлари, 2-типдаги қандли диабет каби касалликлар вужудга келиши қатор изланишларда кўрсатиб берилган [22].

Ташхисоти. Гепатит В ва С вирусларини аниқлаш мақсадида ҳозирги кунда бир қанча лаборатор текширув усуллари мавжуд бўлиб, бу текширувлардан иммун-фермент таҳлили (ИФА) орқали вирусларнинг антигенлари ва вирусга қарши ишлаб чиқарилган антитаначалар аниқланса, полимер занжирли реакция (ПЗР) таҳлили эса вируснинг ДНКси ёки РНКси, унинг қондаги миқдори ва генотипини аниқлашга асосланади. Бунда беморнинг қони, қон зардобини, жигар тўқимаси каби текширув материалларидан фойдаланилади. Ҳозирда мавжуд юқори сезгирликка эга бўлган тезкор тестлардан фойдаланиш вирусли гепатит В ва С ни аниқлаш учун 20-30 дақиқа сарфланмоқда ва касалликка тезлик билан тўғри ташхис қўйишда жуда қўл келмоқда [5, 6, 18].

Яна бемор организмнинг ҳолатини, касалланиш ва жигарни шикастланиш даражасини билиш учун умумий қон таҳлили, умумий пешоб таҳлили, қоннинг биохимик таҳлили (АЛТ, АСТ, билирубин, умумий оксил, альбумин, ГГТП, протромбин индекси, ишқорли фосфатаза, креатинин, мочевина, С-пептид, липидлар спектр ива бошқалар), инструментал текширувлар (жигар ва талок

ультратовуш текшируви, жигар эластографияси, жигар биопсияси) ўтказилади.

Қиёсий ташхисоти. Вирусли гепатитларни бир қанча бошқа касалликлардан фарқлаш касалликни эрта даволаш ва асоратларни олдини олишда катта аҳамиятга эга. Сариклик аломатлари вирусли гепатитлардан ташқари яна бир қанча бошқа касалликларда ҳам учраши (масалан, иерсиниоз гепатит, инфекцион моноклеоз, баъзи паразитар касалликлар, лямблиоз, ошқозон-ичак тракти соматик ва онкологик касалликлари, қон ва лимфа тизими касалликлари, стеатогепатит, аутоиммун касалликлар, метаболик синдром) баъзан касалликка бир қарашда ташхис қўйишда қийинчилик туғдиради ва қўпинча бирламчи ташхис вирусли гепатит ҳақида кетади. Касалликнинг аниқ сабаби аниқлангунча эса баъзан бир неча кун талаб этилади.

9. Arrow P, Klobas E. Minimum intervention dentistry approach to managing early childhood caries: a randomized control trial. *Community Dent Oral Epidemiol*. 2015;43(6):511-520. doi:10.1111/cdoe.12176
10. Bajrić, E., Kobašlija, S., Huseinbegović, A., Marković, N., Selimović-Dragaš, M., & Arslanagić Mu-

ratbegović, A. Factors that Determine Child Behavior during Dental Treatment, *Balkan Journal of Dental Medicine*, 2016;20(2):69-77.

11. Bare LC, Dundes L. Strategies for combating dental anxiety. *J Dent Educ*. 2004;68(11):1172-7

12. Bergmann J, Leitão J, Kultje C, Bergmann D, Clode M. Removing dentine caries in deciduous teeth with Carisolv: a randomised, controlled, prospective study with six-month follow-up, comparing chemo-mechanical treatment with drilling. *Oral health & preventive dentistry*. 2005 3(2). Available from: <http://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/j.1365-3113.2005.00275.x>

13. Bondarde P, Mujawar S, Bhandari SC. A Clinical Comparative Study of Camouflaged Insulin Syringe With Conventional Syringe For Dental Extractions In Children. *Journal of Applied Dental and Medical Sciences*. 2016;2(3)

14. Bray A CA, Donkersgoed R, Hoover S, S L. An Evidence-Based Report Investigating the Most Effective Method to Reduce Dental Anxiety. Toronto: University of Toronto; 2009

15. Casap N, Alterman M, Sharon G, Samuni Y. The effect of informed consent on stress levels associated with extraction of impacted mandibular third molars. *Journal of Oral & Maxillofacial Surgery* (02782391). 2008;66(5):878-81

16. Chaturvedi S, Walimbe H, Karekar P, Nalawade H, Nankar M, Nene K. Comparative Evaluation of Anxiety Level during the Conventional Dental Procedures with and without Audiovisual Distraction Eyeglasses in Pediatric Dental Patients. *Journal of International Oral Health*. 2016;8(11):1016-22.

17. Corah N.L., Assessment of Dental Anxiety Scale. *J. Dent. Res*. 1969; 48: 496-9

18. Crossley M, Joshi G. An investigation of paediatric dentists' attitudes towards parental accompaniment and behavioural management techniques in the UK. *British dental journal*. 2002;192(9):517-21.

19. Dähnhardt J, Jaeggi T, Lussi A. Treating open carious lesions in anxious children with ozone. A prospective controlled clinical study. *American journal of dentistry*. 2006 19(5). Available from: <http://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/j.1365-3113.2006.00235.x>

20. Goff LC, Pratt RR, Madrigal JL. Music listening and S-IgA levels in patients undergoing a dental procedure. *International Journal of Arts Medicine (IJAM)*. 1997;5(2):22-6

21. Hasheminia D, Kalantar Motamedi MR, Ahmadbadi FK, Hashemzahi H, Haghghat A. Can Ambient Orange Fragrance Reduce Patient Anxiety During Surgical Removal of Impacted Mandibular Third Molars? *Journal of Oral & Maxillofacial Surgery* 2014 ;72(9):1671-6. DOI: 10.1016/j.joms.2014.03.031.

22. Hmud R, Walsh LJ. Dental anxiety: causes, complications and management approaches. *Journal of Minimum Intervention in Dentistry*. 2009;2(1):67-78

23. Jafarzadeh M, Arman S, Pour FF. Effect of aromatherapy with orange essential oil on salivary cortisol and pulse rate in children during dental treatment: a randomized controlled clinical trial. *Advanced biomedical research*. 2013;2.
24. Johren P, Enkling N, Heinen R, Sartory G. Clinical outcome of a short-term psychotherapeutic intervention for the treatment of dental phobia. *Quintessence International*. 2007 Nov-Dec;38(10):589-96.
25. Kani E, Asimakopoulou K, Daly B, Hare J, Lewis J, Scambler S, et al. Characteristics of patients attending for cognitive behavioural therapy at one UK specialist unit for dental phobia and outcomes of treatment. *Br Dent J*. 2015 Nov 27;121(10):501-6; DOI: 10.1038/sj.bdj.2015.890
26. Klages U, Kianifard S, Ulusoy O, Wehrbein H. Anxiety sensitivity as predictor of pain in patients undergoing restorative dental procedures. *Community Dent Oral Epidemiol*. 2006;34(2):139-45. DOI: 10.1111/j.1600-0528.2006.00265.x.
27. Klassen JA, Liang Y, Tjosvold L, Klassen TP, Hartling L. Music for pain and anxiety in children undergoing medical procedures: a systematic review of randomized controlled trials. *Ambul Pediatr*. 2008 Mar-Apr;8(2):117-28. DOI: 10.1016/j.ambp.2007.12.005
28. Lahmann C, Schoen R, Henningsen P, Ronel J, Muehlbacher M, Loew T, et al. Brief relaxation versus music distraction in the treatment of dental anxiety: a randomized controlled clinical trial. *Journal of the American Dental Association (JADA)*. 2008;139(3):317-24.
29. Lehrner J, Eckersberger C, Walla P, Potsch G, Deecke L. Ambient odor of orange in a dental office reduces anxiety and improves mood in female patients. *Physiology & Behavior*. 2000;71(1-2):83-6. DOI: 10.1016/S0031-9384(00)00308-5
30. Maru VP, Kumar A, Badiyani BK, Sharma AR, Sharma J, Dobariya CV. Behavioral changes in pre-schoolers treated with/without rotary instruments. *Journal of International Society of Preventive & Community Dentistry*. [Article]. 2014 05//;4(2):77-81. DOI: 10.4103/2231-0762.139427
31. Marzo G, Campanella V, Albani F, Gallusi G. Psychological aspects in paediatric dentistry: parental presence. *Eur J Paediatr Dent*. 2003;4(4):177-180.
32. Moola S, Pearson A, Hagger C. Effectiveness of music interventions on dental anxiety in paediatric and adult patients: a systematic review. *JBI Libr Syst Rev*. 2011;9(18):588-630
33. Nuvvula S, Alahari S, Kamatham R, Challa RR. Effect of audiovisual distraction with 3D video glasses on dental anxiety of children experiencing administration of local analgesia: a randomised clinical trial. *European Archives of Paediatric Dentistry*. 2014;16(1):43-50. DOI: 10.1007/s40368-014-0145-9
34. Panda A, Garg I, Shah M. Children's preferences concerning ambiance of dental waiting rooms. *European Archives of Paediatric Dentistry*. 2014;16(1):27-33. DOI: 10.1007/s40368-014-0142-z.
35. Rafique S, Fiske J, Banerjee A. Clinical trial of an air-abrasion/chemomechanical operative procedure for the restorative treatment of dental patients. *Caries Research*. 2003;37(5):360-4.
36. Simon AK, Bhumika TV, Nair NS. Does atraumatic restorative treatment reduce dental anxiety in children? A systematic review and meta-analysis. *Eur J Dent*. 2015 Apr-Jun;9(2):304-9. DOI: 10.4103/1305-7456.156841.
37. Toet A, Smeets MAM, Van Dijk E, Dijkstra D, Van Den Reijen L. Effects of pleasant ambient fragrances on dental fear: Comparing apples and oranges. *Chemosensory Perception*. 2010;3(3-4):182-9.
38. Umamaheshwari et al (2013)). (75. Umamaheshwari N, Asokan S, Thanga Kumaran S. Child friendly colors in a pediatric dental practice. *Journal of the Indian Society of Pedodontics & Preventive Dentistry*. 2013;31(4):225-8. DOI: 10.4103/0970-4388.121817.
39. Wide Boman U, Carlsson V, Westin M, Hakeberg M. Psychological treatment of dental anxiety among adults: a systematic review. *European journal of oral sciences*. 2013 Jun;121(3 Pt 2):225-34. DOI: 10.1111/eos.12032
40. Zahirunnisa M, Gadagi J, Gadde P, Myla N, Koneru J, Thatimatla C. Dental patient anxiety: Possible deal with Lavender fragrance. *Journal of Research in Pharmacy Practice*. 2014;3(3):100-3.

НЕФАРМАКОЛОГИЧЕСКИЕ СТРАТЕГИИ КОРРЕКЦИИ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО СТРАХА И БЕСПОКОЙСТВА У ДЕТЕЙ

Ризаев Ж. А., Ортикова Н. Х.,
Норбутаев А.Б.

Аннотация. Поведение пациента во время стоматологического лечения значительной степени зависит от его психического состояния. Депрессивные расстройства также способствуют к прогрессированию стоматологических заболеваний. Индивидуальный план лечение и особенности взаимодействия с пациентом должны быть определены в зависимости от психоэмоционального состояния больного, что позволит установить отношения пациента и врача, и повысить качество оказываемой стоматологической помощи, а также минимизировать риски развития конфликтных ситуаций. С целью определения психоэмоциональных отклонений больных используются различные шкалы и опросники, которые обладают определенными достоинствами.

Ключевые слова: Стоматология, дентофобия, музыкотерапия, релаксация, психологическая грамотность.

УДК: 616.617.52/8-001.1:[616-001.5/8]-08:546.214

ОЗОНОТЕРАПИЯНИНГ ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИНИНГ ҚЎШМА ШИКАСТЛАНИШЛАРИДАГИ ОЧИҚ ЖАРОҲАТЛАРНИ ДАВОЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ризаев Жасур Алимджанович¹, Боймурадов Шухрат Абдужалилович²,
Абдурахмонов Фарход Рахмонович¹, Гаффаров Усмон Бобоназарович¹

1 - Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

РОЛЬ ОЗОНОТЕРАПИИ НА ЗАЖИВЛЕНИЕ ОТКРЫТЫХ РАН СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

Ризаев Жасур Алимджанович¹, Боймурадов Шухрат Абдужалилович²,
Абдурахмонов Фарход Рахмонович¹, Гаффаров Усмон Бобоназарович¹

1 - Самаркандский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г Самарканд;

2 - Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

THE ROLE OF OZONETHERAPY ON THE OPEN WOUND HEALING PROCESS OF MAXILOFACIAL INJURIES

Rizayev Jasur Alimdjaniovich¹, Boymuradov Shukhrat Abdjalilovich²,
Abdurakhmonov Farkhod Rakhvonovich¹, Gaffarov Usmon Bobonazarovich¹

1 - Samarkand State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Tashkent medical academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: farhodhai1975@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада озоннинг физик, кимёвий хусусиятлари, таъсир механизми, очик яраларнинг битиши жараёни ва айнан юз-жағ соҳасидаги қўшма шикастланишлардаги очик жароҳатларга озоннинг таъсири тўғрисида адабиётлар таҳлили келтирилган. Озон ўзининг тўқималарга биологик таъсири сабабли тиббиётда кенг қўламда ишлатилади. Озонотерапиянинг кўплаб тиббий патологияларни даволашда самара берсада унинг юз-жағ соҳасидаги қўшма шикастланишлардаги очик яраларни даволашдаги таъсири борасида адабиётларда маълумотлар камлиги сабабли бу борада чуқурроқ тадқиқотлар олиб борилиши керак деган хулосага келдик.

Калим сўзлар: озон, очик яраларнинг битиши, қўшма юз-жағ шикастланишлари.

Abstract. In this article it has been considered the literature review of physical, chemical properties of ozone and its influences to the treatment of open wound healing of combined maxillofacial injuries. Ozone has been widely used in medicine due to its biological effect. However, certain valuable investigations need to be done to evaluate its effect on open wound healing of the maxillofacial injuries due to insufficient scientific data in literature even though there is a positive effect in treatment of many health problems.

Keywords: ozone, open wound healing, combined maxillofacial injuries.

Озонотерапиянинг тиббиёт соҳасида қўлланилиши тўғрисидаги мулоҳазалар охириги 100 йилликда маҳаллий ва хорижий адабиётларда оммалашиб бормоқда. Ушбу даволаш усули альтернатив даво усули бўлишига қарамадан кўпгина ўткир ва сурункали касалликларни даволашда жуда яхши самара бермоқда [4, 10]. Хужайраларнинг тикланилиш жараёни жароҳат рўй берган дақиқалардан бошланиб жадал ва мураккаб кетма кетликдаги биохимик хужайра механизмларини ўз ичига олади. Дарҳақиқат, юз-жағ соҳасидаги шикастланишлар организмнинг қайта тикланиш баланси билан боғлиқ [6]. Озон молекулалари хужайра метаболизмини яхшилаш

эвазига очик яраларни битишига ва тўқималарнинг тикланишига қўмаклашиши фанда исботланган [1,8]. Шунингдек, ОЗ нинг ножўя таъсирининг қарийб йўқлиги, тан нархининг арзонлиги ва қарши кўрсатмаларнинг камлиги, организмнинг бемалол ҳазм қила олишлиги сабабли кўпгина мутахассислар томонидан кенг қўлланилмоқда [3, 5]. Озон иммун тизимини кучайтириш ва бир қанча биологик актив моддаларни ишлаб чиқиш хусусиятига эга. Шунингдек, унинг оғриқ қолдирувчи, гемостатик ва биоэнергетик хусусиятлари ҳам адабиётларда келтириб ўтилган [2, 7]. Унинг азот оксиди (NO) каби қон томирларни кенгайтирувчи моддаларни

ажралишига таъсири ва тўқималарнинг регенерациясини кучайтириш Seidler томонидан 2000 йилда исботланган.

Озоннинг физик ва кимёвий хусусиятлари. Озон таркибида 3 дона кислород атомларини сақлайдиган 47,98 г /моль молекуляр массага эга бўлган ўзига хос ҳидга эга газ ҳисобланади. Атмосферада О₃ нинг жуда катта миқдордаги заҳираси мавжуд бўлиб, бу бизни ультрабинафша ва бошқа турли зарарли нурланишлардан ҳимоя қилади. Шу билан бирга, озон ҳавони кўпгина зарарлантирувчи моддалардан тозалаш хусусиятига эга. Озон таркибидаги кислород атомлари бир-бири билан 1160 ли ўтмас бурчак остида боғланади ва озон молекулалари ички стерик тўсиққа эга бўлган учбурчак шаклига эга. Нажижада ҳар бир кислород атомлари бирма-бир текис чизиқли жуфт боғланиш ҳосил қилиш ўрнига бошқа бир атом билан ягона боғланиш ҳосил қилади ва ушбу молекула бўйлаб манфий зарядлар пайдо бўлади. Озоннинг ҳатто минимал 0,02-0,03 мкг концентрацияси ҳам хона ҳароратида сезилади [9]. Унинг ярим емирилиш даври атроф муҳит ҳароратига боғлиқ, мисол учун 0 Сда 140 минут сақланса +20 Сда эса 40 минутда парчаланаяди. Оғзи зич қилиб ёпилган идишда бир неча кун сақланиши мумкин [13, 14]. Озонли сув ва озон мойи махсус озонатор генераторларда тўйинтирилади ва унинг таркибидаги атомлар одам организми учун муҳим бўлган модда ҳисобланадиган альдегидлар ва водород пероксидини синтез қилади [17]. О₃ ҳосил бўлишининг икки омили бу кўёшдан келаётган ультрабинафша нурлар ва момақалдирок вақтидаги чакмоқлар ҳисобланади. Ер сайёрасида табиий шаршараларда ва денгиз тўлқинларининг қояларга кучли зарб билан урилиши оқибатида ҳам озон ҳосил булади [11]. Сунъий усулда озон ишлаб чиқаришда кислород атомлари (0₂ → 20) диоксидининг фотодиссоцияси натижасида юқори кучланиш тасирида кислород молекулалари билан боғланади (O₂ + 0₃)₃. Бу жараёнда юқори кучланишли 4000V дан 1400V гача зарядланиш талаб қилинади.

Таъсир механизми. Озоннинг антибактериал, детоксикацион, вирусларга қарши, биоэнергетик, иммуностимулловчи ва биосинтезловчи хусусиятлари эвазига кўпгина касалликларни даволашда ишлатилади [13, 15, 16]. Шунингдек, замбуруғлар ва протозоаларни инактивация қилади. Фосфалипидлар ва липопротиедларнинг оксидланиши орқали бактерия ҳужайра қобиғини парчалайди. Вирусларга таъсири эса уларнинг кўпайиш босқичида ҳужайра-вирус алоқасини пероксидлаш йўли билан бузилишига олиб келади. Озон қизил қон таначаларининг

гликогенезини кучайтириб, тўқималарнинг кислородга тўйиниши учун 2,3-дифосфоглицератдан кислород ажралишига кўмаклашади. Бунинг устига у биологик фаол моддалар, шу жумладан энзимлар, эркин радикаллар ва ҳужайра деворини ҳимоя қилувчи воситаларини: глутинон протеаза, каталаза, супероксид дисметаза ва вазодилататорларни ишлаб чиқишини стимуллайди, иммун тизимини кучайтиради. О₃ нинг 30-50 мкг/мл концентрациядаги миқдори интерферон, ўсма некроз фактори ва интерлейкин-2 каби иммун воситаларини ишлаб чиқарилишини бошлаб беради.

Очик яраларнинг битиш жараёни. Тери ва шиллиқ пардалар организмни ташқи омиллардан ва турли хил юқумли касалликлардан сақловчи ҳимоя воситаси ҳисобланади. Ушбу ҳимоя тўсиғининг хирургик операциялар ва ҳар-хил травмалар таъсири натижасида бузилиши шикастланишларга олиб келади ва унинг тикланиши бириктирувчи тўқималарнинг кўпайиб эпителийларнинг пролиферацияси билан жароҳатдан сўнг дарҳол бошланиб кетади [5]. Жароҳат содир бўлгандан оқчилган майда қон томирлардан зарурий восита ва ҳужайралар шикастланган юзани қоплай бошлайди. Бу жараёнда жароҳат юзасига дастлаб тромбоцитлар ажралиб чиқади ва бу соҳа фибрин, фибриногенлар билан қопланади. Оқибатда цитокинин, қон ивиш тизими оқсиллари ишлаб чиқарилиши стимулланади ва простагландинлар, интерлейкин (IL) ва (NO) ажралиб чиқади [17]. Ўсиш фактори ва специфик цитокининлар каби икки муҳим актив воситалар очик яраларнинг битишида аҳамияти беқиёсдир.

Дастлаб жароҳат соҳасидаги капиллярлар кенгайиб организмни ҳимоя тизими ҳужайралари ажралиб чиқиши билан полиморф ядроли лейкоцитлар йиғилиб зарарланган тўқималарни парчалайди ва бу лейкоцитлар, фибробластлар ҳужайраларини жалб қилиш учун цитокининларни ишлаб чиқади. Миофибробластлар жароҳатни битиш жараёнини тезлаштириш учун шикастланишдан 2-3 кун ўтиб зарарланган жойга етиб келади ва жароҳат майдонининг 50-70% ини қамраб олиши мумкин. Сўнгра шикастланиш юзасини бутунлай қоплаш учун ажралган ҳужайралар гуалирон кислота ва III-тип коллагенларни ичига олган ҳолда экстраселюлар матриксни ҳосил қилади. Жароҳатнинг грануляция жараёни 5-кунгача бошланади ва бу грануляцияцион тўқима ўз ичига қон томирларни ўсиш омили (VEGF), фибробластлар ҳимоя қилиш омили (FGF), тромбоцитлардан ажралган ўсиш омили (PDGF), эпителий ўсиш омили (TGF), трансформ-β ўсиш омили (TGF-β) кабиларни қамраб олади. Бунинг

устига ушбу тўқима янги шаклланган қон томирларни, лейкоцитларни, макрофаг ва фибробластларни ҳам ўз ичига олади [18-20].

Яраларни битишининг сўнгги босқичи бу ремодуляция бўлиб, бунда шикастланган тўқималарнинг парчаланиши ва биосинтез жараёни билан боғлиқ қайта тикланиш содир бўлади ва турли стимулловчи омиллар PDGF, FGF, цитокинлар, IL-1 ва α ўсма респонс омили (TNF- α) қатнашади. Кейинчалик миофибробластлар ва ўхшаш фибробластлар асосан NO ёрдамида барҳам топади [19].

Sem va Royning 2010-йиллардаги тадқиқотларидаги мулоҳазаларига келсак кислород тўқималарнинг тикланишининг асосий фундаментал омили ҳисобланади. Гемостаз, яллиғланиш, реэпителизация, реваскуляризация ва азот оксидининг фаоллашиши оксидланиш-қайтарилиш мувозанатини сақлашнинг асосий омили ҳисобланади [15, 26]. Шунинг учун ROSнинг тўқимани қайта тикланиши борасидаги фундаментал тадқиқотлар очик яраларни даволашда янги даволаш босқичини очиб беради ва шу сабабли тўғри концентрацияда ишлатилган озонотерапия оксидланиш-қайтарилиш мувозанатини меъёрида сақлаш яраларнинг битишининг самарали усули бўлиши мумкин [14, 16, 21].

Юз-жағ соҳасидаги очик яраларнинг битишида озонотерапиянинг аҳамияти. Озон қон зардоби, сўлак, лимфа каби органик суяқликлар билан рўбаро бўлганда барча тўқима таркибий қисмлари билан жадал реакцияга киришади. ОЗ антиоксидантлар, цистеинлар, глутинон, альбумин, углеводлар, энзимлар, дезоксирибонулеин кислотаси (ДНК) рибосинуклеин кислоталар (РНК) билан бемалол боғлана олади. Ушбу воситалар оксидланади ва озонланиш жараёнида қатнашиб кейинчалик реактив оксиген воситалар (РОВ) липид озонловчи маҳсулотлар (ЛОМ) кабилар ҳосил қилади. Буларнинг ичида реактив оксиген воситалар турғун ҳисобланмайди ва бир неча секундлар ичида парчаланиб кетади. Озоннинг терапевтик таъсири унинг концентрациясига, хужайра компонентлари билан боғланишига ва РОВ билан боғлиқ [18, 20, 21].

Озоннинг очик яраларни битишига таъсири тўқималардаги метаболизм жараёнларига ҳам боғлиқ. Дарҳақиқат, нормал метаболизм жараёнида остеокластлар, тромбоцитлар, лимфоцитлар, нейтрофиллар, моноцитлар ва фибробластлар РОВ ҳосил бўлишини кучайтиради [12, 15]. Лекин РОВ нинг ўта кўп ишлаб чиқилиши ҳам хужайра таркибий қисмларига, организм тўқималарнинг метаболизмига ва экстрацеллюлар матрикс синтезига тескари таъсир қилади.

Восси ва унинг ҳамкасблари озонотерапия тўқималарни ўсиш жараёнини стимуллашувига етарлича далиллар келтириб ўтган [9, 11]. Реактив оксиген воситанинг асосий формаси бўлмиш водород пероксида кучли оксидловчи воситадир [17]. Озон эса ўз навбатида водород пероксида синтезида иштирок этиб, гликогенизни ўзгартириб энергия ҳосил бўлишини кучайтиради ва бунинг оқибатида кислороднинг хужайраларга етказилиши енгиллашади. H_2O_2 иммун тизими заифлашган организмда интерлейкин синтезини стимуллади. Шунингдек, у тромбоцитларни жадаллаштириб цитокинезни кучайтирди ва ўсиш факторини ажралишини қувватлайди [13, 14]. Лекин ЛОМ молекулалари анча турғунлиги сабабли токсинларни камайтиради. ЛОМ узок таъсирга эга бўлиб ва уларнинг метаболизми асосан глутинон трансфераза ва альдегид дигидрогеназа томонидан бошқарилади [11, 12, 17]. Тирик тўқималар оксидловчи таъсирга учраганда антиоксидант моддаларни фаоллаштириш тизими ишга тушиб ва бу жараён тўқималарни химоя қилишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Ушбу антиоксидантлар супероксид дисметаза, глутинон пероксидаза, гемоксидаза ва каталаза каби энзимлар ҳисобланади. Бу фаол моддалар суяқ илигидаги ўзак хужайралар ҳосил бўлишига кўмаклашади ва тўқималарнинг қайта тикланиш жараёнини жадаллаштиради. Шунингдек, қон томирлардаги эндотелиал хужайралар ангиогенезида муҳим бўлган нитрат кислота ажралишини кучайтиради [14]. Гемоксигеназа-1 хужайралар пролиферацияси ва апоптозда иштирок этади ва хужайраларо матрицанинг синтезида ва реабсорбциясидаги мувозанатда қатнашади ва бу тери билан озоннинг ўзаро алоқасини боғлайди. Аксарият ҳолларда беморлар озон қабул қилганидан сўнг кўтаринки кайфият ва эйфорияни ҳис қилади ва бу ҳис ЛОМ ҳисоби билан баҳолаш мумкин, чунки бу моддалар эндокрин ва марказий асаб тизимини тиклайди. Натижада метаболизм яхшиланиб гармонлар ишлаб чиқарилади ва нейростимулянтлар ажралиб чиқади. Озон таъсирининг мувоффақияти қўлланилган озоннинг дозасига, организмдаги метаболизм жараёнларига боғлиқ ва бу яллиғланиш ҳолатларида, юкумли, неопластик хасталикларни даволашда ва очик яраларни битишига яхши самара беради. Озонотерапияда азот оксидининг ажралиши муҳимдир ва бу меъёрида бўлмаса тўқималарни тикланишига ноҳуя таъсир қилади ва бу мувозанат коллаген синтезига фибробластларнинг назорати билан эришилади [21, 23].

Patel ва бошқа бир гуруҳ олимлар 2011-йилда озон мойи билан шикастланган жароҳатлардаги яраларнинг даволаш бўйича

тадқиқот ўтказган. Ушбу тадқиқотда 18 нафар бемор асосий гуруҳи (n = 8) ва назорат гуруҳига (n = 10) ажратилган ва уларга 7 кун давомида бир хил концентрацияда 2 мл дан озон мойи ва плацебо билан даволанган. Муаллифлар назорат гуруҳи билан таққослаганда асосий гуруҳдагиларда яра ҳажмининг кичрайишини аниқлаган. Kim ва унинг ҳамкасблари эса 2010-йили чўчка болаларидаги танглай соҳасидаги жароҳатига озон мойининг даволовчи таъсирини эксперимент тариқасида ўрганишган. Озон билан даволанганлар гуруҳида жароҳат сезиларли даражада яхши томонга ўзгарган. Текширилган тўқималарда асосий гуруҳдагиларда коллаген толалари ва фибробластлар жадаллиги ошганлигини кўриш мумкин [14, 17, 29].

Бундан ташқари, 2016-йилда Lim ва унинг ҳамкасблари тери жароҳатларига озон таъсирида муҳим иммуномодулятори бўлган фактор ядровий каппа B (NF-RB) фаоллиги оширилганлигини ва тўқималарнинг регенерацияси учун муҳим бўлган TGF-β моддасини аниқлаган [24, 25, 27]. Бу каби натижалар бошқа олимлар томонидан ҳам тасдиқланган. Юқоридаги муаллифларнинг таъкидлашича озонли сув NF-κB тизимида таъсир кўрсатади, бу эса ҳақиқатда ҳам озон яллиғланишга қарши ва иммуномодуляторли таъсир қилади деган фикрни тасдиқлайди [28].

Сўзимизнинг якунида хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, озоннинг ўзига хос, яъни антибактериал, детоксикацион, биоэнергетик, иммуностимулловчи, биосинтезловчи хусусиятлари сабабли унинг юз-жаф хирургияси ва стоматологиянинг деярли барча соҳаларида қўлланилишини таъкидламоқчимиз. Озонотерапиянинг кўплаб тиббий муаммоларни даволашда самара берсада унинг юз-жаф соҳасидаги қўшма шикастланишлар оқибатидаги очик яраларни битишига таъсири борасида адабиётларда маълумотлар камлиги сабабли бу борада чуқурроқ тадқиқотлар олиб борилиши керак деган хулосага келдик.

Адабиётлар:

1. Алимова Д. М., Камилов Х. П., Шукурова У. А. Клинико-иммунологическое обоснование применения озонотерапии в комплексном лечении рецидивирующего афтозного стоматита // *Ўзбекистон тиббиёт журналы*. – Тошкент, 2010. – №1. – С. 41-43.
2. Боймуродов Ш.А. Совершенствование диагностики и лечения больных с сочетанными травмами костей лицевого скелета. // *дисс. док. мед. Наук.* –Ташкент. -2012 г.- С. 22-24.
3. Герасименко М.Ю., Филатова Е.В., Никитин А.А., Стучилов В.А. Косяков М.Н., Гришина Н.В. Новые аспекты реабилитации больных с посттравматическими дефектами и деформациями

челюстно-лицевой области // *Вопросы курортологии, физиотерапии и ЛФК.* - 2000-№6- С. 27-29

4. Герасименко М.Ю. Особенности физиотерапии в стоматологии. // *Альманах клинической медицины* 2т.2.-2010- С. 436-444.
5. Густов А.В., Котов С.А., Конторщикова К.Н. Озонотерапия в неврологии. Н.Новгород 2011; 31-32.
6. Каримов Х.Я., Шевченко Л.И., Бобоев К.Т., Югаи М.А. Метод озонотерапии Сукцинасол. Метод. пособие для врачей. Ташкент 2011; 5-10, С. 14-19.
7. Камилов Х.П., Алимова Д.М. Клинико-микробиологическая оценка эффективности озонотерапии в комплексном лечении рецидивирующего афтозного стоматита // *Ўзбекистон тиббиёт журналы*. – Тошкент, 2010. – №4. –С. 27-30).
8. Змызгова А.В., Максимов В.А. Клинические аспекты озонотерапии. *Медицина* 2013; 23-27, 29-30, С. 46-48.
9. Bocci V. Ozone as Janus: this controversial gas can be either toxic or medically useful. *Mediators Inflamm.* 2014; 13:3-11.
10. Bocci VA. Scientific and medical aspects of ozone therapy. *State of the Art. Arch Med Res.* 2016; 37:425-35.
11. Bhusari BM, Mahajan R, Rajbhoj S, Shah P. Reactive Oxygen Species & Its Role in Periodontal Disease. *J Dental Med Sci.* 2014; 13:52-9.
12. Gál P, Vasilenko T, Kostelníková M, Jakubco J, Kovác I, Sabol F, et al. Open Wound Healing In Vivo: Monitoring Binding and Presence of Adhesion/Growth-Regulatory Galectins in Rat Skin during the Course of Complete Epithelialization. *Acta HistochemCytochem.* 2011; 44:191-9.
13. Gopalakrishnan S, Parthiban S. Ozone- a new revolution in dentistry. *J Bio Innova.* 2012; 1:58-69.
14. Grotendorst GR, Rahmanie H, Duncan MR. Combinatorial signaling pathways determine fibroblast proliferation and myofibroblast differentiation. *FASEB J.* 2014; 18:469-79.
14. Hinz B, Pahn SH, Thannickal VJ, Galli A, Bochaton-Piallat M, Gabbiani G. The myofibroblast: one function, multiple origins. *Am J Pathol.* 2017; 170-180
15. Das S. Application of ozone therapy in dentistry. *Indian J Dent Adv.* 2011; 3:538-42.
16. Maiya A. Applications of ozone in dentistry. *Int J Clin Dent Sci.* 2011; 2:23-7.
17. Seidler V, Linetskiy I, Hubálková H, Staňková H, Šmucler R, Mazánek J. Ozone and its usage in general medicine and dentistry. A review articles. *Prague Med Rep.* 2012; 109:5-13.
18. Sujatha B, Kumar MG, Pratap MJS, Raja V. Ozone therapy - a paradigm shift in dentistry. *Health Sci.* 2013; 2:1-10.

19. Traina AA. Biological effects of ozone in water on dermal wounds healing in rats [Thesis]. São Paulo: Faculty of Dentistry, University of São Paulo; 2018.
20. Valacchi G, van der Vliet A, Schock BC, Okamoto T, Obermuller-Jevic U, Cross CE, et al. Ozone exposure activates oxidative stress responses in murine skin. *Toxicology*. 2012; 179:163-70.
21. Kumar V, Abbas AK, Fausto N, Robbins SL, Cotran RS. Robbins and Cotran pathologic basis of disease. 7th ed. Philadelphia: Elsevier Saunders; 2015.
22. Mendonça RJ, Coutinho-Netto J. Cellular aspects of healing. *A Bras Dermatol*. 2009; 84:257-62.
23. Kwon YB, Kim HW, Roh DH, Yoon SY, Baek RM, Kim JY, et al. Topical application of epidermal growth factor accelerates wound healing by myofibroblast proliferation and collagen synthesis in rat. *J Vet Sci*. 2014; 7:105-9.
24. Kandler B, Maitz P, Fischer MB, Watzek G, Gruber R. Platelets can neutralize hydrogen peroxide in an acute toxicity model with cells involved in granulation tissue formation. *Bone*. 2005; 36:671-7.
25. Valacchi G, Pagnin E, Okamoto T, Corbacho AM, Olano E, Davis PA, et al. Induction of stress proteins and MMP-9 by 0.8 ppm of ozone in murine skin. *BiochemBiophysResCommun*. 2013; 305:741-6.
26. Hernández FA. To what extent does ozone therapy need a real biochemical control system? Assessment and importance of oxidative stress. *Arch Med Res*. 2017; 38:571-8.
27. Shallenberger F. Principles and applications of ozonotherapy. (A practical guideline for physicians). USA. 2011. 124 p.
28. Schulz SS, Häussler U, Mandic R, Heverhagen JT, Neubauer A, Dünne AA, et al. Treatment with ozone/oxygenpneumoperitoneum results in complete remission of rabbit squamous cell carcinomas. *Int J Cancer*. 2014; 122:2360-7.
29. Re L, Maysouf MN, Menéndez S, León OS, Sánchez GM, Hernández F. Ozone therapy: clinical and basic evidence of its therapeutic potential. *Arch Med Res*. 2012; 39:17-26.

РОЛЬ ОЗОНОТЕРАПИИ НА ЗАЖИВЛЕНИЕ ОТКРЫТЫХ РАН СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

Ризаев Ж.А., Боймурадов Ш.А.,
Абдурахмонов Ф.Р., Гаффаров У.Б.

Аннотация. В этой статье перечислен литературный обзор физических, химических свойств озона и воздействие на заживление открытых ран сочетанной травмы челюстно-лицевой области. Озон широко применяется в различных сферах медицинской практики, благодаря его биологическому эффекту. Хотя озонотерапия эффективна при лечении многих медицинских патологий, мы пришли к выводу, что она требует дальнейшей научной разработки из-за недостаточности в литературных данных о её влиянии на лечение открытых ран в челюстно-лицевой области.

Ключевые слова: озон, заживление открытых ран, сочетанные травмы челюстно-лицевой области.

УДК: 616-056.52(614.253.81)

СЕМИЗЛИК БОЛАЛАРДА ГЕПАТОБИЛИАР ТИЗИМ ЗАРАРЛАНИШИНИ ХАВФ ОМИЛИ СИФАТИДА

Тураева Дилафруз Холмурадовна

Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ОЖИРЕНИЕ КАК ФАКТОР РИСКА ПОРАЖЕНИЯ ГЕПАТОБИЛИАРНОЙ СИСТЕМЫ У ДЕТЕЙ

Тураева Дилафруз Холмурадовна

Самарқандский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

OBESITY AS A RISK FACTOR FOR HEPATOBILIARY SYSTEM IN CHILDREN

Turaeva Dilafruz Kholmuradovna

Samarkand State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: turaevadilafruz349@gmail.com

Аннотация. Ушбу шарҳда семизликда жигар томонидан кузатиладиган ўзгаришлар жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатози кўриниши доирасида келтириб ўтилган. Бу шарҳ ушбу ҳолатнинг ривожланиши патогенезини ва морфологик хусусиятларини, клиник кўринишидаги ўзига хос хусусиятларни, ҳамда диагностикасининг инвазив ва ноинвазив усулларини ўз ичига олади.

Калит сўзлар: семизлик, болалар, жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатози, диагностикаси.

Abstract. This review provides facts about changes in the liver during obesity in the framework of non-alcoholic fatty liver disease. The review contains pathogenesis and morphological characteristics of the development of this condition, features of the clinical picture, as well as methods of invasive and non-invasive diagnosis.

Keywords: obesity, children, non-alcoholic fatty liver disease, diagnosis.

Болаларда семизлик бошқа моддалар алмашинувининг бузилиши билан кечадиган касалликлар орасида энг кўп учрайди ва ривожланиб бориши натижасида ноҳўя оқибатларга олиб келувчи оғир касаллик ҳисобланади. Экспертларнинг баҳолашича, ривожланган давлатларда ўсмирларнинг 25% и тана массасининг оғирлигидан, 15% и эса семизликдан азият чекади. Асосан болалар орасида семизликни кучайиб бориши хавф туғдиради. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, 42 миллион чақалокларда ва кичик ёшдаги (0-5 ёш) болаларда тана массасининг катталиги ёки семизлик кузатилади (БЖССТ, 2015) ва мактабгача бўлган ёшдаёқ метаболик бузилишлар ва ёндош касалликлар кўп учрайди [8]. Семизлик таркибини метаболик синдром (МС), инсулинга резистентлик (ИР), артериал гипертензия, атероген дислипидемия, гиперурекимия ва жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатози (ЖАЁГ) ташкил этувчи организмдаги метаболик ўзгаришлар комплексининг бир белгиси сифатида қаралади [6].

Педиатрия ва терапия амалиётидаги кўплаб изланишларда шуни кўрсатиб ўтишганки, ошқозон-ичак трактининг ёғ ва углеводлар алма-

шинувида иштирок этадиган, инсулинга резистентлик ва дислипидемия ривожланишига сабаб бўлувчи муҳим аъзоси бу жигар ҳисобланади. Семизликда жигар томонидан кузатиладиган ўзгаришлар жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатози кўринишида бўлади. Ушбу касаллик кучайиб борувчи характерга эга бўлиб, кейинчалик стеатогепатит, фиброз ва цирроз, ва ҳатто гепоцеллюляр карцинома ривожланишига олиб келиши мумкин, бу эса даволаш йўналишини ва нархини кескин ўзгартириб юборади [12]. Кўплаб ўтказилган текширувлар натижасига кўра жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатози касалланишига мойилликни ошиши билан бирга ва юрак - қон томир тизими касалликлари натижасида ўлимга сабаб бўлади, бу уни қандли диабет ривожланишига олиб келиши билан боғлиқ [1]. Тана вазни юқори бўлган болаларда семизлик бўлган болалар билан солиштириганда жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатозини тарқалганлиги, метаболик хусусиятлари, жигар, билиар тизим ва ҳазм тизимининг юқори қисмларини ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар йўқлигини инобатга олиб, олинган маълумотларни керакли даражада баҳолаш ва интерпретация қилишда изланишлар олиб бориш учун теоретик

ва амалий жиҳатдан асослар мавжуд. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъкидлашича, тана вазнининг оғирлиги, семизлик, юрак - қон томир тизими касалликлари ва уларнинг асорати, ҳамда қандли диабет бугунги кунда ХХІ асрнинг “эпидемик юқумсиз касаллиги” ҳисобланади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, ўсмирлар орасида семизлик билан кечувчи метаболик синдром Францияда 18,9%, Италия ва Польшада 16,4%, Белоруссияда 17,2% ни ташкил этади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумот беришича, 2030 йилга келиб қандли диабет оқибатида келиб чиқадиган ўлим кўрсаткичи 7 ўринни эгаллайди.

Ҳозирги кунга келиб семизлик кўп факторлар таъсирида ривожланишини айтишимиз мумкин, бунда экологик, биологик ва генетик омиллар муҳим роль ўйнайди [9]. Охирги йилларда семизлик ривожланишида овқатланиш тартиби муҳим роль ўйнайди. Семизлик этиологияси ва патогенезида овқатланиш тартибини муҳим роль ўйнашига қарамадан, ҳозирги кунгача бу феномен болаларда кам ўрганилган. Овқатланиш тартибини бузилиши тўғрисида олиб борилган кўплаб текширувлар асосан катталарда ўтказилган. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўсмирлик ёшигача бўлган болалар ўртасида овқатланиш тартиби олдин ҳам ўрганилмаган ва ҳатто хорижий текширувларда ҳам турли ёшда турлича тана вазнига эга бўлган болаларда овқатланиш тартибини ўрганиш ва солиштириш учун олиб борилган изланишлар саноклидир [17].

Жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома кўп учраётганлигини инобатга олиб, патогенезини асосини жигар фибрози ва стеатози ташкил қилувчи жигар касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш муаммоси бугунги кунда муҳим аҳамиятга касб этади [10]. Жигар стеатозида гепатоцитларда ёғ тўпланиши билан характерланади, бунда ёғ жигарнинг 5,0% дан юқори массасини ташкил этади [12]. Биринчи бўлиб 1980 йилда Ludwig янги “алкоголсиз стеатогепатит” тушунчасини фанга киритди, бу алоҳида нозологик birlik бўлиб, бунинг учун алкоголли гепатитга ўхшаш бўлган, қонда ферментлар активлигининг ошиши ва жигар биоптатидаги морфологик ўзгаришлар хос ҳисобланади. Жигарнинг алкоголсиз ёғли гепатози асосини эса, инсулинга резистентлик (ИР) ва ёғ тўқимаси, скелет мушаклари ҳамда жигар ўртасидаги энергетик алмашинувнинг бузилиши ташкил этади. Жигарнинг ёғли дистрофияси жигарга ёғ кислоталарини кўп миқдорда кириши натижасида ривожланади, бу ё озиқ – овқат билан кўп миқдорда ёғ киришига, ёки инсулинга резистент бўлган ёғ тўқимасида липолиз ошишига боғлиқ бўлади. Унга қўшимча равишда ёғларни кўп синтез бўлиши, эркин ёғ кислоталарини оксидланишининг камайиши ва триациглицерол ажра-

лишининг бузилиши таъсир кўрсатади. Афсуски, алкоголсиз стеатогепатитнинг патогенези етарлича ўрганилмаган. Бунда ички аъзолар ёғ клечаткаси, купфер ҳужайралар ва гепатоцитлар томонидан яллиғланиш цитокинларини синтезининг ошиши, яллиғланиш, фиброз ва адипоцитлар пролиферациясини сусайтирувчи адипонектин – цитокин синтезининг камайиши муҳим рол ўйнайди деб ҳисобланади. Бу жигарнинг алкоголсиз ёғ дистрофияси фонида гепатитга хос бўлган белгилар – ҳужайраларнинг зарарланишига, яллиғланишга, апоптоз ва фиброзга олиб келади [4].

Клиник жиҳатдан жигарнинг алкоголсиз ёғли гепатози симптомларининг камлиги ёки умуман симптомсиз кечиши билан характерланади [2]. Баъзи беморлар қориндаги ноқулайлик ҳиссига, қориннинг ўнг юқори квадратдаги оғриқ ёки оғирлик ҳиссига, ҳолсизликка ва лоҳасликка шикоят қилади. Кўпинча беморлар врачга бошқа шикоятлар билан келади ва жигар фаолиятининг бузилганлиги бехосдан аниқланиши мумкин. Кўпинча клиник текширувларда сурункали диффуз касалликларга хос бўлган жигарнинг катталашганлиги симптомлари кузатилади.

Жигарнинг алкоголсиз ёғли гепатози семиз болаларнинг 8-70% ида учрайди [5]. Учраш частотасининг турлича бўлиши ташхис қўйиш учун турли усуллардан фойдаланилганлигига асосланган. Жигарнинг алкоголсиз ёғли гепатозини эрта аниқлашнинг зарурлиги шундан иборатки, болалик даврида бошланган касаллик, 10-20% ҳолатларда катта ёшга бориб жигар циррозига сабаб бўлиши мумкин. Яна, агарда болаларда жигар стеатози ўз вақтида даволанса у қайтар жараён ҳисобланади.

Охирги йилларда жигар стеатозини аниқлаш усуллари алоҳида эътибор қаратилмоқда [3, 8], уларни инвазив, каминвазив ва ноинвазив турларга бўлишимиз мумкин. Инвазив усуллар ҳам ўзини долзарблигини йўқотмаган, унга жигарнинг трепан-биопсияси – олтин стандарт киради [19]. 2005 йилда D.E. Kleiner ва ҳаммуаллифлари томонидан жигарнинг алкоголсиз ёғсиз гепатозида стеатозни активлиги ва даражасини гистологик балли баҳолаш таклиф этилган эди [12], лекин ёғ дистрофиясига учраган бўлакча майдонини фоизларда ҳисоблаш мураккаб жараён ҳисобланади. Жигар стеатозини асосий гистологик хусусиятлари яхши ўрганилган ва бу биринчи навбатда ёғ дистрофиясини тарқалганлигини ва ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олади, бунинг кўп ҳолатларда биоптат таҳлилининг кўриб сифат ёки ярим миқдорий баҳоланади. Аммо, охирги изланишларга кўра, кўпинча айнан шу битта ҳужайрани зарарлайдиган, ёғ томчисини майдонини ва турли характердаги стеатоз нисбатини аниқ миқдорий таҳлил қилиш, жигарнинг ёғли касаллигини кучайиб боришини ва кечиши-

ни баҳолашда муҳим энг самарали асбоб ҳисобланади [20]. Украинанинг НАМН гастроэнтерология институтида, патоморфология лабораториясида жигарни морфологик текшириш протоколи ишлаб чиқилди, бунга кўра морфометриядан фойдаланиб гепатозга, ёғ дистрофиясига (майда томчили, ўрта томчили, катта томчили), ёғ дистрофиясининг тарқалганлигига: локал (бўлакчанинг < 30 %и), тарқалган (бўлакчанинг 30 дан 70% игача) ва яққол (бўлакчанинг > 75 % и), ҳамда гепатоцитлар дистрофияси: гидропик (локал, тарқоқ ва яққол), баллонли дистрофия ва/ёки ацидофил таначалар, ҳамда Мэллори таначаларига таъриф берилди.

Жигар стеатозини аниқлашнинг кам инвазив усули веноз қонни биохимик таҳлилларига асосланган. Жигар зарарланишининг ривожланиши ва кечиши, асосан жигар стеатозиди, липидлар алмашинувининг бузилиши муҳим рол ўйнайди. Маълумки, жигар ёғ алмашинуви ва синтезида асосий рол ўйнайди. Гепатоцитлар қондан ёғларни ушлаб олади ва уларни метаболит ўзгартиради. Жигарда триглицеридлар синтезланади ва оксидланади, фосфолипидлар, холестерол, холестерол эфирлари, ёғ кислоталари, липопротеидлар синтезланади, 30-50% паст зичликдаги ва 10% юқори зичликдаги липопротеидлар катаболизланади [15]. Аниқлашнинг ноинвазив усулига: УТТ, КТ, МРТ, САРТМ-функцияли (Фиброскан, 502 модели) эластометрия киради. Жигар стеатозини ультратовушда бир нечта белгилари фарқланади: эхосигнални дистал соҳада хиралашиши; диффуз ёғ инфильтрацияси ҳисобига жигарнинг диффуз гиперэхогенлиги («аниқлашган жигар»); буйраклар билан солиштирилганда жигарнинг эхогенлигининг ошиши; томирлар суратининг сусайиши (7,12). УТТ натижаларига қараб, алкоғолли ва алкоғолсиз стеатогепатитга ўхшаб, стеатоз ва стеатогепатитни бир-биридан ажратиб бўлмайди [9]. Агар беморда касалликнинг клиник белгилари ва жигар тестларида ўзгаришлар бўлмаса, ҳамда жигар тўқимасини гистологик текширувини ўтказиш имкони бўлмаса, айниқса беморда бир ёки бир нечта хавф омиллари бўлса УТТ жигар стеатозини аниқлаш учун ягона усул бўлиб қолади [12, 17]. УТТ маълумотларига кўра жигар стеатозини қай даражада ривожланганлигини ва эхосигнални хиралашуви индексини ҳисоблаш орқали унинг босқичини аниқлаш эҳтимолли катта. Аммо, шу билан бирга юқорида санаб ўтилган белгиларга қараб УТТ орқали жигардаги деструктив ўзгаришларни ҳолатини ва оғирлик даражасини аниқлаш имкони бўлмайди [21]. Рангли доплер картирлардан, импульс тўлқинли доплер, тўқима гармоникаси, Dynamic MRTM фойдаланиб жигар томирларини доплерографиясини ўз ичига олган замонавий аппаратларда УТТ ўтказиш кўп ҳолатларда (70% гача) гистологик текширувларсиз

жигар стеатозини даражасини ва динамикасини аниқлаш имконини беради [13], лекин муаллифлар стеатозни аниқлашда УТТ ни самарасиз эканлигини қолган 30%и ҳақида ёзишмаган. УТТ дан олинган маълумотларга мос келадиган ўзгаришларни компьютер ва магнит-резонанс томография орқали ҳам аниқлаш мумкин [9]. Протонли МР-спектроскопия ёрдамида жигар паренхимасидаги ёғларни фоизли концентрациясини ҳисоблаш ўтказилган. Агар натижа 6,5 % дан юқори бўлиб чиқса, жигар ёғли инфильтрацияси борлиги тасдиқланган [14], аммо бу усулдан фойдаланиш биров чегараланган. Жигар стеатозини аниқлашда ноинвазив усуллар ичидан САРТМ-функцияли FibroScan-502-touch аппарат ёрдамида жигар эластометриясини ўтказиш кенг татбиқ этилаяпти. Ушбу аппаратдан фойдаланиш асосини Гук қонуни ташкил этади (материални сиқишга жавоби). Механик FibroScan-датчик штифтини босим кучи қовурғалар оралиғидан жигарнинг ўнг бўлагига ўтказилади, ундан кейин эса, М- ва А-режимдаги ультратовуш ёрдамида стандарт 4-сантиметрли жигар тўқимаси орқали ҳаракатланувчи тўлқин тезлиги баҳоланади. 10 та ишончли ўлчовлар асосида абсолют рақамли кўрсаткичлар билан кРа да жигарнинг эластиклиги ҳисобланади, бу фиброз босқичини (F0–4) ва бу билан бир вақтда САРТМ-функцияларини ўлчаш имконини беради, бу жигар стеатозини даражасини (ёки S0–3 балини) аниқлаш учун қўлланилади. САРТМ (Controlled Attenuation Parameter) жигардаги ультратовуш сигналлар амплитудасини камайишини микдорий ҳисоблаш имконини беради. Ультратовуш сигналлар амплитудасини камайиши жигарнинг текширилаётган қисмида липид везикулаларининг микдорига (умумий ҳажмига) боғлиқ бўлади ва абсолют бирликда dB/M билан намоён бўлади. Ушбу текширув усули УТТ орқали текширув имкони бўлмаганда, жигар стеатозини ривожланаётганда эрта аниқлаш (S0–1, яъни жигарнинг < 30 % ҳажми) имконини беради. Жигар стеатозини эрта аниқлаш учун очилган имкониятлар ўз вақтида комплекс даво-профилактик чораларни тавсия этиш ва жараённи кучайиб боришини олдини олиш ва ҳаттоки жигар стеатозини регрессияси имконини беради [1].

Ҳозирги кунда жигарни алкоғолсиз ёғли гепатозини ва алкоғолсиз стеатогепатитни даволашни, исботланган маълумотларга асосланган стандарт усули мавжуд эмас, шунинг учун, даволашнинг асосий мақсади яллиғланиш ва цитолит, фиброгенезни секинлаштириш ва тўхташни кўрсатувчи биохимик таҳлилларни яхшиланишидан иборат [16,18]. Ҳар қандай ҳолатда ҳам даволашни ҳаёт тарзини ўзгартиришдан бошлаш керак, бу овқат рационини ўзгартириш ва жисмоний зўриқишни оширишдан иборат бўлиши керак. Тавсиялардан бири овқатланишни камайитириш

ёки ёғ кислоталарига бой бўлган маҳсулотни монотўйинган (пальмитин ва олеин) ва политўйинган (докозагексаен ва эйкозопантаетен) ёғ кислоталарига алмаштириш керак. 1- гуруҳга сут, ерёнғок (арахис) ва оливка ёғи киради, 2-гуруҳга эса, балик, кунжут, ёнғок (грецкиё) ёғи киради. Жисмоний машқлар инсулинга нисбатан сезгирликни оширади, ички органларда ёғ клетчаткасини камайтиради, адипонектин миқдорини оширади ва жигар стеатози белгиларини камайтиради. Бу мақсадга эришиш учун, ҳафтада 3-4 та аэроб машқларни бажариш (1 та машқда 400 ккал сарфланса) етарли ҳисобланади. Тана массасини олдингидан 8-10% га камайганда алкохолсиз стеатогепатитни гистологик тузилишини яхшиланиши исботланган. Жигарни алкохолсиз ёғли гепатозини медикаментоз даволаш масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда. Охириги 10 йилда ушбу беморларни даволаш учун кўплаб изланишлар олиб берилган эди. Улардан тан олингани метаболик бузилишларни (инсулинга резистентлик, оксидатив стресс, гипирлипемия) коррекция қилиш зарурлигидир [8]. Бундан ташқари, жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатози билан оғриган катталар ва болаларни потенциал даволаш мақсадида, цитопротектив самараси исботланган урсодеокисолин кислота (УДХК) таъсири ҳам ўрганилган. Бундай беморлар гуруҳида даволаш учун тавсия этиладиган препарат - урсодезоксиолин кислота (УДХК) ҳисобланади, у исботланган ижобий самарага эга. У ўтнинг физик-кимёвий таркибини нормаллаштириб, ўтнинг йўқотилишини олдини олиб ва кучсиз холикинетик таъсир кўрсатиб ўт қопига кристалларни чўкишини олдини олади, УДХК ўт йўллари мотор фаолиятини тиклайди, билиар чўкма ва ўт қопида тош ҳосил бўлиш хавфини камайтиради. Бундан ташқари, УДХК маълум даражада холестаэни камайтиради, гепатопротектив, иммунитетни кўтарувчи таъсир кўрсатади, фибриногенезни пролиферация фазасини блоклайди, антиоксидант таркибга эга, бу эса ўз навбатида турли генездаги жигар зарарланишида, шу билан бирга жигар алкохолсиз ёғли гепатозини самарали даволашда қўллаш имконини беради [2].

Шундай қилиб, тана массаси юқори бўлган болаларда патологик жараёнга жигар ва билиар тизимни ҳам кўшилиб кетиши, метаболик бузилишларни эрта белгиларидан бири ҳисобланади ва 100% холатларда ошқозон ости безининг стеатози билан бирга кўшилиб келади, кейинчалик эса семиз болаларда жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатози билан оғриганлар сони ортиб боришига олиб келади [8]. Жигарнинг алкохолсиз ёғли гепатози, ўт қопининг гипотоник типдаги дисфункцияси ва ўт тош касаллигининг бошланғич босқичи ИМТ кўрсаткичлари нормал бўлган болаларга қараганда, семиз болалар ўртасида кўпроқ учрайди [5].

Ноинвазив ультратовушли структурасини миқдорий баҳолаш учун (Acoustic Structure Quantification) текширув усули эса жигарни алкохолсиз ёғли гепатози бўлган беморларда фиброз бор ёки йўқлиги ва уни босқичини аниқлаш имконини беради, бу морфологик текширувларни ўтказишни имкони бўлмаганда айниқса муҳим ҳисобланади, бу жигар касалликларини аниқлашни “олтин қондаси” бўлган ва бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. Ахмедова Р.М., Софронова Л.В., Корюкина И.П. Диагностическая значимость клинических и инструментальных показателей при ожирении у детей и подростков// Пермский медицинский журнал. 2015- том 30 (№4)- с. 67-73.
2. Бурков С.Г., Годунова С.А., Гурова Н.Я., Егорова Н.В., Кулакова Н.И., Леонова В.И., Подопривога Н.В., Григорьева Е.В. Современные возможности диагностики и лечения неалкогольной жировой болезни печени в поликлинической практике // Кремлевская медицина. Клинический вестник. - 2017. - № 1. - С. 131-135
3. Гусева А.А. «Клинико-метаболические особенности состояния гепатобилиарной системы у детей с избыточным весом и ожирением» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата медицинских наук. Москва 2015г.
4. Гусейнова З.К., Уайжанова Д.Ж., Мандыбаева М.К., Пеуричко А.В., Нуржанова Ф.А., Жолбекова С.О. Оценка эффективности препарата гепа-мерца при лечении больных хроническими диффузными заболеваниями печени // International Journal on Immunorehabilitation (Международный журнал по иммунореабилитации). - 2015. - У. 12. - № 2. - С. 160-161.
5. Калашникова В.А. Состояние печени и желчевыводящих путей при ожирении у подростков// ЛОГБУЗ «Детская клиническая больница», Санкт-Петербург, Россия, - 2018 - №4 - С. 218-229.
6. Митрошина Е.В. Клинико-лабораторные особенности ожирения манифестировавшего в пубертатный период у юношей и мужчин. Автореферат дисс. канд мед наук. Самара. – 2011. – 24 с.
